

ЖАҲОН ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

†  
Hoh ba o'militt




## Тўловчи НОДИР НОРМАТОВ

*Қадрли болалар!*

*Трампи деган қувноқ филманинг ўртоқлари жуда кўп экан. Кунлардан бир кун Трампи қайси ўртоғини олдига бормасин ҳеч ким у билан бирга ўйнагани кўнмабди. Нега?*

*Ушбу тўпламдаги «Қувноқ филма Трампи» номли америка халқ эртегини ўқисангиз, бунинг сабабини билиб olasiz. Кўлингиздаги китобга шу каби жаҳон ва СССР халқларининг эртаклари жамланган. Улар сизди қизиқши уйғотади, деган умиддимиз.*



4803000000—38

С ————— 28—88

360 / 04 / —88

ISBN 5—8250—0030—5

С «Юлдузча» нашриётн.  
1988.



## ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭРТАКЛАРИ

### КУВНОҚ ФИЛЧА ТРАМПИ

#### АМЕРИКА ЭРТАКИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, Трампи исми кувноқ бир филча бор экан. Бир куни Трампи энг яқин дўсти бўлмиш Леони кўргани унинг уйига йўл олибди. У катта-катта кулоқларини шодон силкитиб, узун хартумини ҳар томонга ўйнатиб, кувноқ кайфият билан кетиб бораркан. Ҳатто хурсандлигидан кўшиқ ҳам айтармиш:

*Ла-ла, ла-ла, ла-ла-лай,  
Мен бугун қувноқман-ей!*

Ниҳоят, у шербачча Леонинг уйига етиб келиб, эшикни тақиллатибди. Шербачча Лео эшикни очибди.

— Юр, ўйнаймиз, чиккин!— дебди филча Трампи унга.

— Фақат бугун эмас,— деб шербачча Лео эшикни ичкаридан бекитиб олибди.

Филча Трампи хартуми билан бошини қашлабди. «Қизик,— деб ўйлабди у, — Лео устимга ўтириб олиб сайр қилишни бирам яхши кўрардики. Начора, бориб йўлбарсча Томми билан бирга ўйнайман».

Филча кўшигини давом эттиргача йўлбарсча Томмининг уйига жўнабди:

*Ла-ла, ла-ла, ла-ла-лай,  
Мен бирам қувноқман-ей!*

Мана, филчамиз Трампи йўлбарсчанинг эшигини тақиллата бошлабди. Эшикни Томмининг ўзи очибди.

Юр, бирга ўйнайлик,— дебди унга филча.

— Фақат бугун эмас!— деб жавоб қилибди йўлбарсча Томми.

— Мен орқангни хартумим билан қашлаб қўяман,— деб ваъда қилибди филча Трампи.

Фақат бугун эмас,— деб қайтарибди йўлбарсча Томми ва эшикни ёпиб олибди.

«Бу жудаям галати-ку, — деб ўйлабди Трампи.— Ахир, Томми

орқасини хартумим билан кашлаб кўйишимни жудаям ёқтиради-ку. Начора, унда бегемотча Хиппининг олдига бориб, бирга ўйнашни таклиф қиламан».

Трампи қувноқлик билан ашуласини давом эттирганича, ўз йўлига равона бўлибди:

*Ла-ла, ла-ла, ла-ла-лай.  
Мен бугун шодонман, ҳей!*

Бегемотча Хиппи бўлса бу пайтда дарё қирғоғига ўтириб олиб, чўмилишга ҳозирлик кўраётган экан.

— Юрақол, Хиппи, бирга ўйнаймиз!— деб чақирибди филча Трампи.

— Фақат бугун эмас,— дебди Хиппи.

— Юрақол! Сенга шунақаям ажойиб душ қилиб бераманки, мазза қилиб чўмиласан,— деб ваъда қилибди Трампи.

— Фақат бугун эмас,— деб жавоб қайтарибди бегемотча Хиппи ва сувга шўнғиб кетибди.

Бегемотча Хиппи роса чуқур шўнғиганидан, филча Трампи фақат унинг кулранг бурни учинигина зўрға кўра олибди.

Филча Трампи жуда хафа бўлиб, аста-секин орқасига қайтибди. Йўлда у дарахт шохларидан буррига думи билан осилиб турган маймун Миккини кўриб қолибди.

— Салом, Микки! Балки сен мен билан ўйнарсан?— деб сўрабди филча Трампи ундан.

— Фақат бугун эмас,— дебди Микки бошқа дарахтга сакрай туриб.

Шундай қилиб, филча Трампи уйига жўнабди. У қаттиқ хафа бўлганидан катта-катта қулоқларини силжитмай, хартумини ҳар томонга айлантриб ўйнамай, кўшиғини ҳам айтмай кўйибди.

Уйда эса филча Трампининг онаси каттакон бананли тортга канд упаси сепаетган экан.

— Ойижон, илтимос, менга бир бўлак тортингиздан беринг?— деб сўрабди филча.

— Фақат ҳозир эмас,— дебди она фил.— Бор, кўчада бирпас ўйнаб кел, кейин.

Хафа бўлган филча кўчага чиқиб, бир дарахт тагида ётиб олибди. Аввалига у қаттиқ кулгу товушларини эшитибди, кейин эса унинг дўстлари йўлбарсча Томми, бегемотча Хиппи ва Микки кўринибди. Учаласи ҳам шербачча Леонинг уйига томон йўналибдилар.

Филча Трампининг хартуми устидан иккита катта-катта кўзёши думалаб тушибди.

Шу пайт уни онаси чақирибди:

— Трампи, илтимос, Она маймундан бориб бир дона банан олиб келгин!

— Ахир бананлар ўзимда ҳам бор-ку,— деб ҳайрон бўлибди филча Трампи.

— Маҳмадоналик қилмасдан менинг айтганимни бажар,— дебди Она фил.

Илож қанча, Трампи Она маймундан бир дона банан олиб, уйига қайтибди.

Шербачча Леонинг уйи ёнидан ўтаётиб, филча Трампи бирпас тўхтаб, кулок солибди. Аммо атроф жимжит экан.

— Улар қаёққа гойиб бўлишдийкин? Менга бир оғиз ҳам индашмади-я?— деб хафа бўлибди Трампи.

Филча Трампининг уйи жимжит ва қоронғи экан. У хона ўртасида туриб олиб, дўсту биродарларсиз яшаш жудаям ёмон эканлиги ҳақида ўйлаб кетибди.

Шу пайт эшик очилиб, Она фил кириб келибди-ю, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетибди. Она филнинг кўлида каттакон ва сап-сарик бананли торт. Тортнинг устида кимнингдир туғилган куни шарафига ранг-баранг шамчалар ёқиб кўйилган экан. Бирдангина хона ичида кулгу аралаш қувноқ товушлар жаранглай бошлабди.

— Сени бугун роса кўлга туширдик-да, Трампи!

Филча Трампи ўгирилиб, стол атрофида ўзининг ҳамма дўстларини: йўлбарсча Томми, шербачча Лео, бегемотча Хиппи ва Миккини кўрибди. Дўстлари филча Трампини туғилган куни билан чиндилдан табриклабдилар. Нимагадир филча Трампи бугун туғилган куни эканлигини эсидан чиқариб кўйган экан. Трампи дўстларининг бу беозор ҳазилидан бирам қувониб кетибдики! Катта-катта кулокларини тез-тез силкитиб, узун хартумини чиройли қилиб ўйнатибди. Шербача Лео бир сакраб Трампининг устига чиқиб олибди, Микки унинг хартумига осилиб аргимчоқ уча бошлабди.

Филча Трампи тагин дўстлари билан бирга эканлигидан хурсанд бўлиб, қувнаб-яшнаб кўшиқ куйлабди:

*Ла-ла, ла-ла, ла-ла-лай,  
Мен бугун хурсандман-ей!*

## НОН ВА ТИЛЛА

### АРАБ ЭРТАГИ

Қадим замонларда Аббос исмли бир камбағал киши яшаган экан. У бир парча нон топиш учун эртадан кечгача қора терга ботиб меҳнат қилар экан. Кўли бир оз ишдан бўшаган пайтлари эса, «зора бирор хазина топиб олсам», деб ширин хаёллар сураркан.

Кунлардан бир куни у далада ишдан чарчаб, жазирама иссиқдан толиқибди-да, бир оз ҳордиқ чиқаргани дарахт тагига ўтирибди. Шунда у, «оллоҳимиз менга шундай бир сеҳрли куч-қудрат ато этсаки, кўлим теккан ҳамма нарса тиллага айланиб қолаверса. Шунда мен роҳат ва фароғатда яшаб, қора меҳнатдан қутулган бўлардим», деб орзу қилибди.

Аббос шу гапларни кўнглидан кечириши биланок, гойибдан бир товуш келибди:

— Эй Аббос! Сен ҳозир нимани орзу қилган бўлсанг, ниятингга етасан. Бирор буюмга кўлингни теккизишинг билан у шу ондаёқ тиллага айланали!

Аббос ўз кулоқларига ишонмабди. Аммо шундай бўлса ҳам эгилиб ердан кичкина бир тош олибди. Унинг кўли тегиши биланок тошча тиллага айланиб қолибди. Аббос бошқа тошчаларга ҳам тегса, улар ҳам тиллага айланиб қолаверибди. Аббос бу ҳолдан жуда севиниб кетибди ва шундай режа тузибди: «Ҳозир шаҳарга бораман-ку тош-кесакларни тўплаб, тиллага айлантириб оламан... Кейин жуда кўн ер сотиб оламан. Дарё бўйида шоҳона сарой куриб, атрофини жаннатмакон боққа айлантираман... Энг чопқир тулпорларни сотиб оламан, либосларим ҳам фақат асил ва шоҳона бўлади...»

У шундай ширин орзулар ва режалар билан ўрнидан турмоқчи бўлган экан, аммо очликдан мажолсизланиб, ўрнидан туролмай қолибди. Шунда Аббос, «уйимдан келтирган тушлигимни еяқолай», деб дарахт ёнида турган тугунчага кўлини чўзибди. У бир бўлак нонни оғзига солиши билан тишлари қаттиқ нарсага ботибди. Оғзидан олиб қараса, нон ҳам тиллага айланиб қолган эмиш. Тугунча ичида пиёз ҳам бор экан, Аббос униям шоша-пиша кўлига олибди. Аммо пиёзга ҳам кўли тегиши билан тиллага айланиб қолибди.

Аббос жуда кўркиб кетибди. Ахир ҳамма ейдиган нарсалар ҳам тиллага айланиб қолаверса, у очликдан ўлиб кетади-ку! Ҳаммаёғи тиллага кўмилиб кетса-ю, ейишга ҳеч вақоси бўлмаса? Бу қандай гап бўлди?

Бир маҳал Аббос кўзини очса, дарахт тагида хаёл суриб, мудраб қолган экан. У енгил нафас олиб, ўрнидан турибди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлиб, енгил тортибди.

— Хайрият-эй, буларнинг ҳаммаси тушим экан-ку! — деб севиниб кетибди.

## ШАЙХ ЧИЛИ ВА ШАЙТОН

### АФҒОН ЭРТАГИ

Қадим ўтган замонда, жануб томонларда Шайх Чили деган бир одам ўтган экан. У одамларни йўлдан оздирувчи шайтонни излаб топиб, бошлаб бир қасос олмоқчи бўлибди. Шунинг учун уни ахтариб, йўлга чиқибди. Дашту биёбонлардан кечани кеча, кундуз-ни кундуз демай юраверибди. Ниҳоят, йўлда унга бир киши учраб қолибди. Улар бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашибдилар:

- Йўл бўлсин, таксир? — дебди йўловчи унга.

— Одамларни йўлдан оздирадиган шайтонни қидириб юрибман, — дебди Шайх Чили.

— Нима учун? — деб сўрабди яна йўловчи.

— Мен уни ўлдириб, халқни жабр-зулмдан халос қилмоқчиман, — дебди Шайх Чили унга жавоб бериб.

Шунда халиги йўловчи:

— Шайтон мен бўламан! — дебди.

Шайх Чили шу ондаёқ унга ташлана кетибди. Ниҳоят, у шайтонни ерга йиқитиб, устига миниб олибди. Пичоғини кинидан сугуриб, уни ўлдирмоқчи бўлибди. Шунда шайтон унга:

— Эй Шайх! Бирпас сабр қил! Мени ўлдиришга шошилма! Сенга айтадиган зарур гапларим бор, қулоқ сол!— дебди.

— Қани, бўл тез, айтақол!— деб дўк урибди Шайх Чили.

— Мени ўлдирганинг билан ҳеч қанақа наф топмайсан,— дебди шайтон.— Мени тирик қолдирсанг, катта фойда кўрасан.

— Қанақа фойда?— деб сўрабди Чили.

— Агар сен мени тирик қолдирсанг, ҳар куни ёстиғинг тагига йигирма рупий кўяман! Бу ҳол то умрингнинг охиригача давом этади.— дебди Шайтон.

Шайх Чили бу гапни эшитиб иккиланиб қолибди. «Ҳақиқатан ҳам уни ўлдиришимдан нима фойда? Ахир, дунёда шайтон бигга эмас, юз мишга-ку. Агар мен буни афв этсам, у ҳар куни менга йигирма рупий олиб келади»,— деб ўйлабди. Шайх Чили шайтон билан сулҳ тузиб, уни кўйиб юборибди.

Эртаси куни эрталаб Шайх Чили ёстиғининг тагидан йигирма рупий топиб олибди. У бундан роса хурсанд бўлиб кетибди.

Шундай қилиб бу ҳол бир ҳафта давом этибди. Аммо Шайх Чили бу сирни ҳеч кимга билдирмабди. «Кизик иш бўлди-да,— деб ўйлабди у.— Мен оппа-осонгина шайтоннинг хазинасини қўлга киритдим».

Аммо кунларнинг бирида Шайх Чили эрталаб ёстиғининг тагидан ҳеч қанақа пул тополмабди. Бундан Шайх хайрон бўлибди. Шайтон бугун пул жўнатишни эсидан чиқарган бўлса, эҳтимол эртага икки кунлигини бир қилиб келар, деб ўйлабди. Аммо келаси куни ҳам ёстиғининг тагидан пул тополмабди. Шунда Шайх Чили газабланиб, шайтонни излаш учун яна йўлга чиқибди. Уни яна аввалги эски жойида — дашту биёбонда учратиб қолибди:

— Эй, ёлғончи!— дебди Шайх Чили шайтонга. — Нега сен мени лақиллатиб кетдинг?

— Мен сенга нима ёмонлик қилдим?— деб сўрабди шайтон ҳам.

— Ўзинг ваъда қилгандек, ҳар куни ёстигимнинг тагига йигирма рупий кўйиб кетаётган эдинг. Мана, бир неча кун ўтса ҳамки, пулдан сира дарак йўқ!

— Эй Шайх!— деб жавоб қилибди шайтон.— Отамнинг қарзи бор эдимки, мен сендан уни ўзсам, бир неча кун сенга пул келтириб бердим. Энди бас, етади! Агар сен бундан норози бўлсанг, майли, кел, олишамиз!

Шайх Чили ўзига жуда ишонган, ҳар қалай, у ўтган сафар шайтонни енгган эди-да. Рақиблар бу сафар яна куч синашиб кўрибдилар. Энди шайтон Шайх Чилини кўтариб ерга урибди-да, унинг устига миниб олиб, ўлдириш учун пичоғини кинидан сугурибди. Шунда Шайх Чили:

— Эй шайтон! Бирпас сабр қил! Хали мени ўлдиришга бемалол улгурасан. Лекин ўлимим олдидан сенга берадиган бир саволим бор эди,— дебди Шайх Чили.

— Майли, сўра!— дебди шайтон.

— Ўтган ҳафта сен билан учрашганимизда, мен сени осонгина енгган эдим. Энди эва иккаламиз ҳам ўзгармаган бўлсак-да, бироқ

бу сафар сен мени осонгина енгдинг. Бунинг сабаби нимада?— дебди.

— Бунинг сабаби шундаки,— деб жавоб қилибди шайтон,— сен ўтган сафар мен билан ҳақ йўлида кураш тушган эдинг. Бу сафар эса фақат шахсий касосинг учун, яъни пул орттириш мақсадида курашга тушдинг. Шу сабабли ҳам мен сени осонгина енгдим.

Шайх Чили эса шайтонни биринчи марта учратганида уни ўлдирмаганига минг-минг пушаймон қилибди ва ўзининг бу хатосини эндигина тушуниб етибди.

## ҚУШ ПАТИДАН ТИКИЛГАН КЎЙЛАК

### ВЬЕТНАМ ЭРТАГИ

Қадим замонларда бир деҳқон йигит яшаган экан. У ёшлигиданок етим қолиб, бир заминдорга қарол бўлиб хизмат қилар экан. Иш шунчалик кўплигидан эртаю кеч кўли кўлига тегмас, бечоранинг қорни тўйиб нон еган бирор куни йўқ экан.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетса ҳам, камбағал бечора ўша-ўша путури кетиб қолган харобгина чайласида яшайверибди. Аҳволи шундай бўлгач, у бечора уйланишга ҳам имкон тополмас экан.

Баҳор кунларининг бирида деҳқон ер ҳайдагани далага чиқибди. Қушларнинг тинмай чуғурлашидан, дарахтлардан таралаётган хушбўй ва анвойи ҳиллардан деҳқон завқ-шавққа тўлиб, ўзини қушдек енгил сезибди. Ҳатто ҳўкиз ҳам одатдагидан ювош бўлиб қолгандай туюлибди.

Деҳқон эрталабки шудринг кўтарилиб, одамлар то уй-уйларига тарқалгунга қадар ер ҳайдабди. Кейин у омочни елкасига қўйиб, ҳўкизни орқасига қайтариб, уйига равона бўлибди. Ўрмонда унга бир қиз дуч келибди. Йигит унинг кулиб турган юзи, келишган қадди-қомати ҳамда чиройли кўк кўйлагидан кўз узолмай қолибди.

Нотаниш қиз унга салом бериб, ўзига қайлик бўлишни сўрабди (бу юртда турмуш қилишга таклиф қилиш қиз томонидан бўлиши табиий ҳисобланаркан). Деҳқон кутилмаган бу таклифдан иккиланиб қолибди. Ахир, у камбағал бир бечора бўлса. Аммо қиз ўз сўзида қатъий туриб олибди.

Ўша кундан бошлаб деҳқоннинг ҳаётида анчагина ўзгаришлар рўй берибди. Эр-хотин биргаликда яшайдиган жойларини эпақага келтиришибди, биргалика далада меҳнат қилишибди. Деҳқон аста-секин боғ яратибди. Кейин эса пул тўплаб, ер сотиб олибди. Энди бойнинг кўлида қароллик қилишига ҳам ҳожат қолмабди.

Бироқ деҳқон хотинига шунчалик боғланиб қолибдики, асти қўявераси. Уни қаттиқ севганидан кўнгилдагидек ишлай ҳам олмасмиш. Омоч билан қайта-қайта шудгор қилиш керак бўлганда хотини эсига тушиб кетар, кейин уни кўриб келиш учун тез-тез уйига бориб келар экан.

Бу аҳволда ҳўжалик ишлари ҳам кундан-кунга орқага кетаверибди, хотинининг маслаҳатлари ҳам қор қилмабди.

Буни кўрган хотини бошқача иш тутишга аҳд қилибди. Икки нарак коғоз олиб, унинг ҳар бирига ўзининг суратини чизибли-да, эри ишлайдиган даланинг икки четига осиб қўйибди. Суратлар зўр маҳорат билан ишланганидан, худди тирик одамга ўхшар экан.

Ана шундан сўнг, деҳқоннинг иши ўнгидан кела бошлабди. У даланинг қайси томонига омон хайдамасин, бошини кўтариши билан кўз ўнгида севимли хотинининг ўзини кўргандай бўлар, кучига-куч, гайратига-гайрат қўшилиб ишлайверибди. Фақат, суратлар олдида ҳуштак чалмасликни хотини унга қаттиқ тайинлаб қўйибди.

Кўнларнинг бирида деҳқон олатдагидек ер хайлаб кетаётган экан. Олдинга юрса, рўпарасидаги суратдан хотини жилмайиб, унга пешвоз чиқаётгандай бўлар, орқага юрса, тагин хотини уни жилмайиб кузатиб қўяётгандай бўлаверибди. Деҳқон бундан шоду хуррам экан. Бир маҳал деҳқон бундай қараса, атрофида қушлар чугур-чугур қилишаётганмиш. Хотини тайинлаган гап эҳсан чиқиб кетиб, қушларга қараб ҳуштак чалиб юборибди. Қушлар бўлса буни эшитиб, узоқдаги бошқа қушлар сайрашяпти, деб ўйлашиб, ундан баттар чугурлашибди. Деҳқон ҳам қараб ўтирмасдан бунга жавобан янаям кучлироқ ҳуштак чалибди.

Шу заҳотиёқ кучли шамол эсиб, дарахтларнинг тачаси эгилиб кетибди. Чангу тўзон кўтарилиб, осмону фалакни қоплабди. Ана шундагина деҳқон хотинининг гапларини эслабди, бироқ вақт ўтган экан. Шамол суратларни юлиб олиб, чирпирак қилиб ўзи билан олиб кетибди. Суратлар бирор дарахт шохига илинмай, ерга ҳам тушмасдан узоқ-узоқларга учиб кетибди.

Ўша ерларда ов қилиб юрган заминдор унинг оёғи остига тушган суратларни қўлига олибди. Шундагина у деҳқоннинг нимага қаролик қилишдан воз кечганини сабабини — шундай соҳиб-жамол қизга ўланганлигини билиб қолибди. Бунга ҳасад келган заминдор деҳқондан боплаб қасд олмоқчи бўлибди.

Эртаси кун заминдор суратларни саройга олиб бориб, шохга совға қилибди. Шох бу суратларни томоша қилиб, чиройига яраша бу жувоннинг ақли ҳам бормикан, деб қизиқиб қолибди. У эртаси кун деҳқоннинг уйига бир отлик амалдорни юбориб, унга чигал топишмоқлар беришни буюрибди. Йигит эса хотинининг ёрдами билан бу топишмоқларни осонгина топиб, синовдан ўтибди. Шундан сўнг шох унга окшом тушган пайти уч тепаликни қора рангга бўяш вазифасини топширибди. Бу мушкул вазифани эшитган деҳқоннинг кўрқувдан ранги оқариб кетибди. Аммо хотини уни тинчлантириб, бу сафар ҳам унга ёрдам берибди. Деҳқон хурсанд бўлиб, яхшилаб тушлик қилиб олибди-да, қўлига катта машъала тутиб тепаликларга ўт қўйибди. Тепаликдаги ўт-ўланлар, чангалзорлар қурғокчиликдан куриб қолган экан-да, шунинг учун ҳам бирпасда ёниб кетибди. Кечкурунгача ҳаммаёқ куйиб, қўлга айланибди, ер усти қоп-қора бўлиб қолибди. Шох бу сафар ҳам мағлубиятга учраганини тан олибди.

Шундан сўнг шох бир ҳийла ўйлаб топибди. Эртаси кун у йигитга шундай буйруқ юборибди:

— Кечгача менга чумолилардан аркон тўкиб юборсин! Бажа-ролмаса, боши кетади!

Буни эшитган деҳқоннинг аъзойи бадани қалтираб, уйида касал бўлиб ётиб қолибди. Хотини ундан нима воқеа рўй берганлигини билиб олгач:

— Бор-йўғи шу гапми?— деб кулиб юборибди.

Деҳқоннинг хотини асалга ботириб олинган арконни кўчага ташлаб қўйибди. Кўп ўтмай бу арконга гиж-гиж чумоли ёпишибди. Буни кўрган деҳқон қувонганидан тезда соғайиб кетибди.

Шоҳ бўлса қасдма-қасдига деҳқонга бундан ҳам оғирроқ топширик беришга аҳд қилибди. Бу сафар шоҳнинг амалдори деҳқонга кулдан йўғон аркон тайёрлашни буюрибди. Агар у бу ишни кеч-курунгача уддасидан чиқолмаса, дорга осилишини айтибди. Деҳқоннинг ақлли хотини бу мушкул вазифанинг ҳам чорасини топибди. У латта-путталардан йўғон бир аркон ясаб, унинг устини тошлар билан қалаштириб ташлаб, кейин ёқиб юборибди. Йўғон аркон ёниб кетса ҳам ўз шаклини йўқотмабди. Амалдор бориб шоҳга топширик бажарилганини айтибди. Шоҳ, бу аёл осмондан тушган бир пари бўлса керак, деб ўйлабди. Шундан сўнг, у йигитнинг уйига лашқарларини юбориб, хотинини олиб келинлар, деб буюрибди. Деҳқон бўлса аччиқ-аччиқ йиғлабди. Шунда хотини унга:

— Бундай бўлишига сенинг ўзинг айбдорсан! Ҳуштак чалиш керак эмас, деб сенга қаттиқ тайинлаган эдим. Майли, энди бўлар иш бўлди. Ҳозирча тақдиримизга тан берайлик. Вақт-соати келиб, биз яна бирга бўламиз, кутгин!— дебди-да, эрига бир пиёла гуруч билан бир дона хурмо берибди.

— Бу гуруч билан хурмо сеҳрли,— дебди у. — Хурмони еб, данагини боққа ўтқазгин. Гуруч доналарини эса далага экиб қўй. Шоли етилиши билан қушлар чўқилагани учиб келишади. Сен уларнинг ҳар биридан биттадан пат олиб қолгин. Бу патларни йиғиб, улардан бир кўйлак қил. Хурмо пишиб етилганда уларни сотгани патдан қилинган кўйлакни кийиб, бозорга боргин.

Шундай қилиб деҳқон яна ўз чайласида ёлғиз сўппайиб қолибди. Аммо тушкунликка тушмасдан, шоли экиб, хурмо кўкартиришга астойдил киришиб кетибди. Бирпасда орадан уч йил ҳам ўтиб кетибди. Шоли бу пайт ичида уч марта мўл-кўл ҳосил берибди. Деҳқон ҳам учиб келган қушларнинг ҳар биридан биттадан пат олиб қолаверибди. Ниҳоят, хурмо дарахти ҳам мўл ҳосил берибди.

Деҳқон қуш патларидан тикилган кўйлакни кийиб, хурмосини сотгани пойтахтга йўл олибди. Хурмо жуда ширин экан, уни еган кишининг мақтовдан оғзи бўшамас экан.

Бу пайтда деҳқоннинг хотини оғир касал бўлиб ётар экан. У шоҳнинг зўрлиги билан уйдан олиб кетилгандан бери дарди кучайиб, аҳволи оғирлашиб, ётиб қолибди. Уни ҳеч ким даволай олмабди. Учинчи йилга келиб, жувон бечора бутунлай соқов бўлиб қолибди.

Бир куни у тўсатдан, хурмо сотадиган кишини саройга даволагани олиб келишларини талаб қилиб, гапириб юборганида шоҳ

жуда севиниб кетибди. Шоҳ дарров хурмо сотаётган деҳқоннинг ёнига амалдорини жўнатибди.

Деҳқон саройга келибди-ю, хотинини кўриб, жуда қувониб кетибди. Қувонганидан сакраб ўйнай бошлабди. У ҳар сакраганида патлардан тикилган кўйлак қанот бўлиб силкинар экан. Хотин буни кўриб кулибди. Шоҳ бўлса бу ғалати либосни кўриб, беморга таъсир қилдиган нарса шу экан, деб ўйлабди. Шунда у деҳқонга бу либосни ечишни буюрибди. Унинг ўрнига ўзининг шоҳона либосини берибди. Шоҳнинг ўзи патдан тикилган кўйлакни кийиб олиб, рақсга туша бошлабди. Аммо деҳқоннинг хотини унга қараб сираям кулмабди. Аксинча, шоҳ саройидаги барча қопагон итларни чақирибди. Қопагон итлар эса, пат кўйлак кийиб олган шоҳни танимасдан уни бирпасда гажиб ташлабдилар. Ана шундай қилиб, ҳийлагар шоҳдан бутунлай қутулибдилар.

Деҳқон эса сарой хазинасидаги барча олтину кумушларни олиб, камбағал ва бева-бечораларга бўлиб берибди. Кейин хотини билан ўз уйига қайтиб, то умрининг охиригача бахтли ҳаёт кечирибди.

## ПОДАЧИ ВА ШАҲЗОДА

### БЕНГАЛ ЭРТАГИ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бир мамлакатда икки дўст — подачи ва шаҳзода яшаган экан. Бир куни шаҳзода шундай деб қасам ичибди: «Агар мен қачон рожа бўлсам, подачи дўстимни катта амалдор-қушбеги қилиб тайинлайман». «Бўпти!» деб жавоб қилибди подачи дўсти.

Улар шунчалик аҳил ва инок эканларки, ораларидан қил ўтмас экан. Подачи ҳар куни ўтлоқда подани боқиб келар, шаҳзода ҳам одатига кўра уни кутиб олар экан. Сўнгра иккаласи бирор дарахт тагига ўтириб олишар, подачи най чалса, шаҳзода уни тинглар экан. Уларнинг кунлари шу тариқа тинч ва осойишта ўтаверибди.

Ниҳоят, шаҳзода бир пайтлар айтганидек, рожа бўлибди. Юртининг энг соҳибжамол қизи Канчонмалага уйланибди. Подачи дўсти ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабди, уни бутунлай унутиб юборибди.

Бир куни подачи саройга келиб, дарвоза олдида тўхтабди. У ҳалигача дўстининг рафиқасини кўрмаган экан-да.

— Бу ердан йўқол! — деб қичқирибди унга дарвозабон.

Подачи бундай муомаладан қаттиқ хафа бўлиб, жўнаб қолибди. Унинг қаёққа гойиб бўлганини ҳеч ким билмабди. Эртасига рожа уйқусидан уйғониб, кўзларини очай деса, очолмасмиш. Бу воқеадан малика ҳам, сарой аъёнлари ҳам таажжубда қолибдилар. Чунки рожанинг юзлари ҳам, сочлари ҳам, бутунлай аъзойи бада ни ҳам игналар билан қопланган эмиш. Бу қандай кўргулик бўлди, деб саройдагилар йиғлашга тушибдилар.

Рожа на овқат ея олар, на гапира олар, на ухлай олар экан. У подачи дўстига берган қасамини унутиб қўйганлиги учун ҳам жазо тортаётганлигини юрак-юракдан ҳис қилибди. Аммо буни бировга айтишга журъат қила олмабди.

Бечора рожанинг иши ўнганмай, қайгу-ҳасратдан боши чиқмай қолибди. Ғам-кулфатга чулганган Канчонмала подшоликни бошқара бошлабди.

Канчонмала бир куни дарёга чўмилгани борибди. Тўсатдан унинг олдига бир нотаниш гўзал киз келиб, шундай дебди:

— Мабодо маликамиз ўзларига хизматкор олмоқчи бўлсалар, мен бу вазифани жон-жон деб адо этган бўлардим.

— Агар сен менинг эримни ниналардан халос қила олсанг, ҳозирок сени хизматкорликка олардим,— дебди Канчонмала.

Соҳибжамол киз бунга рози бўлибди ва малика уни бир билакузук эвазига сотиб олибди.

Сўнг гўзал хизматкор киз Канчонмалага шундай дебди:

— Ҳурматли маликам! Сен жудаям нимжон бўлиб қолибсан. Ким билади, сен неча кунлардан бери кўнгилдагидек овқатланиб, ювинолмай юргандирсан. Аъзойи баданинг ориқлаб кетганидан, устингдаги безакларинг ҳам осилиб ётибди. Сочларинг ҳам патила-патила бўлиб чигаллашиб кетибди. Тақинчоқ ва безакларингни олиб кўйгин-да, яхшилаб дарёда чўмилиб ол!

— Йўк, йўк, жонгинам, ювинишининг нима кераги бор?— деб жавоб қилибди малика Канчонмала.

Хизматкор киз гўё ўзини эшитмаганга солиб, маликанинг тақинчоқ ва безакларини бир чеккага олиб кўйибди-да, уни яхшилаб ювинтириб кўйибди.

— Мана, энди бемалол чўмилсанг ҳам бўлаверади,— дебди.

Малика Канчонмала унинг гапига кириб, сувга шўнгибди. Хизматкор киз эса шу захотиёқ маликанинг либослари ва тақинчоқларини тақиб олиб, қирғоқда турганча буйруқ бера бошлабди:

*Ҳей, хизматкор Панко,  
Энди менга хизматкорсан!  
Сени кутар қирғоқда Канчонмала,  
Сени кутар соҳибжамол,  
Қаершарга йўқолдинг?  
Бас қилгин чўмилишини,  
Сени маликаниг кутар!..*

...Малика Канчонмала сувдан чиқиб караса, рўпарасида турган хизматкор киз унинг ҳамма либосларини кийиб, тақинчоқларини тақиб олибди. У нима қиларини билмай қолибди.

Саройда эса Канчонмала ҳаммани оёкка тургазибди. «Нима учун чўмилишдан қайтишимга филу отларни тайёрлаб кўймадинг?» деб сарой кушбегисининг роса таъзирини берибди. «Нега чўмилишдан уйга қайтаётганимда ходимлару соқчилар билан кутиб олмадинг?» деб сарой оғасини ҳам кийпоққа солибди. Сўнгра, иккаласини қатл қилдирибди. Ҳамма маликадаги бу кескин ўзгаришдан таажжубда қолибди. Қўркувдан ҳеч ким бир оғиз сўз айтишга журъат қилолмабди.

Ана шу тариқа хизматкор киз Канчонмала малика бўлиб, малика эса хизматкор кизга айланибди. Рожа бу сирдан воқиф бўлмабди.

Канчонмала ҳар куни ошхонада ўтириб, балиқ тозалар, ўзича куйлаб ўтираркан:

*Биллакузук ҳақиқа қизни ёлладим бекор,  
Чунки у малика-ю, мен-чи, бўлдим хизматкор.  
Қайси гуноҳинг учун, Канчонмала, бу жазо?  
Рожа, не учун тақдир бизни бунчи хўрлар, оҳ!*

Канчонмала ошхонада ўтириб, аччик-аччик кўзёши тўкса, рожа ҳам азоб-укубатда чексиз қийналаётган экан. Пашшалар уни юзи кўзини талагани-талаган, аъзойи бадани ниналарнинг санчигидан ачишиб, огрир экан. Рожани ҳеч ким елпимас, унга ҳеч ким дори-дармон ҳам бермас экан.

Бир куни Канчонмала кир ювгани дарё бўйига борибди. Бундай қараса, дарахт тагида бир киши ўтирган эмиш, олдида эса ип калаваси. У киши ўзича шундай деб кўшиқ айтаётганмиш:

*Мингта нинам бўлганда  
Тарвуз сотиб олардим;  
Беш минг нинам бўлганда  
Бозор борган бўлардим;  
Юз минг нинам бўлганда,  
Шоҳ тахтини ясардим!*

Бу гапларни эшитган Канчонмала ўша кишининг ёнига бориб, шундай дебди:

— Агар сенга нима керак бўлса, мен беришим мумкин. Аммо сен уларни тортиб чиқара оласанми?

Бунга жавобан у киши жимгина ўрнидан туриб, калава ипини кўлига олиб, маликанинг орқасидан бораверибди.

Йўлда Канчонмала у кишига ўзининг бошидан кечирган мусибатларини бирма-бир айтиб берибди. У маликанинг гапларини тинглаб бўлгач, «ғаройиб экан», деб кўйибди.

Улар саройга етиб келишгач, нотаниш киши Канчонмалага шундай дебди:

— Ҳурматли малика! Бугун таомилга кўра таомлар куни, шунинг учун ҳамма подшоликларга бўғирсоқлар тарқатилиши аниқ. Мен бориб йигирилган ипларни қизил ва кўк рангга бўйяман. Сен эса сарой деворларига расмлар чизиб, базмга керакли нарсаларни тайёрлаб кўйгин. Бу ишда сенга Канчонмала ёрдам берсин.

— Нима ҳам дердим, майли, Канчонмала ҳам бўғирсоқларни мен билан бирга пиширсин,— деб рози бўлибди Канчонмала.

Улар иккаласи бирга овқат пиширгани кетишибди.

Канчонмала пиширган бўғирсоқлар ясси-ялпоқ ва қаттиқ экан. Лекин Канчонмала пиширган бўғирсоқлар жудаям мазали бўлиб, бири ярим ой, бошқа бири най, учинчиси сурнай, тўртинчиси эса сандал дарахтининг барглари шаклида экан.

Нотаниш кишига қайси бири хизматқору, қайси бири малика эканлиги дарҳол равшан бўлибди.

Бўғирсоқни пишириб бўлишгач, улар деворларга расм сола бошлабдилар. Канчонмала бир халта гуручни туйиб, унга етти кўзача сув қуйибди. Кейин бу аталага ранг кўшибди-да, у билан хона деворларини олачалпок қилиб бўяб ташлабди.

Канконмала эса хонанинг бир бурчагини танлаб олиб, у ерни артиб тозалабди. Кейин озгина гуруч олиб, уни туйибди. Талконга озрок сув қуйиб, яхшилаб бўёк тайёрлабди, унга озгина матони ботириб олиб, эҳтиёткорлик билан нилуфар ва лиана ўсимликларини, еттита олтин кўзани, унинг тагида эса иккала томонига ҳам шолидан гулчамбари бор тожни чизибди. У яна товусни, худоларни, гўзаллик ва донолик маъбудаси муқаддас Лакшмининг тилла товонларининг изини тасвирлабди.

Ана шунда нотаниш киши Канконмаланинг олдига келиб:

— Яширмай қўяқол, сен аслида хизматкор қизсан! Қайси юзинг билан сен ўзингни малика деб эълон қилишга журъат этдинг? Би-лакузук эвазига сотиб олинган сен хизматкор қиз малика-ю, малика эса хизматкор бўлибди, қани, жавоб бер-чи, ёки мен ноҳакманми?

Канконмала ҳали ҳам ўзини маликалардек тутиб, ғазаби келиб бақирибди:

— Бу ярамас ким ўзи? Бу ердан ҳайдаб юборинглар!

Кейин у жаллодни чақириб:

— Бу ярамасни, кейин анави хизматкор қизни калласини тана-сидан жудо қил! Мен агар уларнинг қонларига чўмилмасам, Канкон-мала исмимни бошқа қўяман!— дебди.

Жаллод бориб Канчонмала ва нотаниш кишини ушлабди. Шун-да нотаниш киши секингина калава ипини чиқариб, ўзича пичир-лабди:

*Калава ип, калава ип,  
Рожа уйда ҳақиқатни тиклагин!  
Калава ип, аввало,  
Жаллодни бойлаб ташлагин!*

Жаллод шу захотиёқ бошидан оёғича нинага қопланиб қолибди. Нотаниш киши яна сўрабди:

— Калава ип, сен кимга тегишлисан?

— Калава кимники бўлса, мен ҳам шунга тегишлиман,— деб-ди ип.

— Калава ип, калава ип, агар менга хизмат қиладиган бўлсанг, бориб Канконмаланинг бурнига ёпишгин,— дебди нотаниш киши.

Шунда калавадан икки ўрамчаси бориб Канконмаланинг бур-нига ёпишибди. Бундан кўркиб кетган Канконмала уйни бошига кўтариб, бақирибди:

— Эшикларни ёпинглар, эшикларни ёпинглар! Хизматкор қиз бу ерга бир телба одамни бошлаб келибди.

Нотаниш киши эса бу пайт ўзича тагин шивирлабди:

*Калава ип, ингичка ип, уйинг қаерда, айтгин,  
Сен бечора рожани ниналардан тозала!*

У шундай дейиши биланок, юз минг бўлак иплар рожанинг баданидаги юз минг нина тешигидан ўтибди. Шундай қилиб рожа ниналардан қутулибди.

Ниналар эса:

— Ипу игна бир бўлак, нимани тикайлик?— дейишибди.

Нотаниш киши бўлса:

— Ярамас хизматкор қизнинг оғиз ва кўзларини тикинлар,— дебди.

Юз минг нина бирданига Канконмаланинг оғиз ва кўзларига ёпишиб кетибди. Канконмала эса хонанинг ичида чирпирак бўлиб айланармиш.

Рожа бу маҳал соғайиб, рўпарасида дўсти подачини кўрибди. Қадрдон дўстлар бир-бирлари билан қучоқлашиб, кўзёши тўкибдилар. Рожа подачи дўстига шундай дебди:

— Дўстим, мени айбга буюрма! Бундан кейин, албатта, ишончинг комил бўлсинки, юз марта қайта туғилсам ҳам сендай дўстни топишим амримаҳол! Сен бугундан бошлаб менга бош вазирсан. Сени тарк этганимдан буён, бошимдан кулфат аримай қолди. Биз энди ҳеч қачон бир-биримиздан айрилмаймиз!

— Яхши! дебди подачи.— Аммо мен сен берган найни йўқотиб қўйганман. Менга янгисини совга қилишга тўғри келади.

Рожа шу заҳотиёқ дўсти учун олтин най ясашларини буюрибди.

Канконмалага эса ниналар кечаю кундуз сукилавериб, қаттиқ аяб берибди ва у тез орада дунёдан ўтибди. Канконмала эса бахтсизликдан бутунлай қутулибди.

Подачи шу кундан бошлаб вазирлик вазифасини адо эта бошлабди. Ойдин тунларда эса рожа билан иккиси дарё бўйига бориб, дарахт тагида ўтиришаркан ва у рожага олтин найдан ажойиб муסיқалар чалиб берар экан. Рожа эса дўстининг ёнида ўтириб, дилбар ва завқли қўшиқларни тинглаб, маза қиларкан. Ана шундай қилиб уларнинг бахтли ҳаёти бошланиб, то умрларининг охиригача давом этибди.

## ҚАДРДОН УЙИНГНИНГ МИХИ

### ШВЕД ЭРТАГИ

Бир эр-хотин яшаган экан. Улар камбағал деҳқон бўлиб, Матс, Петер ва Свенд исмли учта ўғиллари бор экан.

Бир йили курғокчилик рўй бериб, оила жуда оғир аҳволда қолибди.

— Нонимиздан кўра оғизларимиз кўпроқ,— дебди ота.— Энди, болаларим, иш қидиришларингга тўғри келади.

Она йиғлабди.

— Матс билан Петер улғайиб қолди, ишни бир амаллайди,— дебди у,— манави Свенд-чи, шўрлик нобуд бўлади, ахир ўн бирга кирди, холос. Қара, қанақанги озгин, нима иш қилиши мумкин?

ота катъий.

Аммо Свенд шундай дебди:

— Хавотирланманг, ойи, ўзимга лойик иш топишга ҳаракат қиламан. Розилик беринг!

Охири онаси унга жавоб берибди. Ака-укалар иўл ҳозирлигини кўрибдилар.

Катта угил Матс шундай дебди:

— Отамнинг эски камзулини кийиб оламан, отам уйда ўтиради-ку, унга керак эмас.

— Мен эса кастрюлькани оламан!— дебди ўртанча ўгил Петер.— Ойим барибир унда ҳеч нарса пиширмайди. Уни сотаман-да, то иш топгунимча пулига тирикчилик қиламан.

У тоқчада турган ялтироқ кастрюлькани олиб, бошига қалпоқ қилиб кийибди.

— Свендга бўлса олишга ҳеч нарса қолмади!— деб хўрсинибди она.

Она кичик ўглини жуда яхши кўраркан, чунки Свенд меҳрибон, хушмуомала, ҳар қачон кўлидан келганича ёрдамлашишга тайёр тураркан.

— Мен эса, ойи, уйимиздан эсдалик қилиб камзулимни илиб қўядиган миҳни оламан.— Свенд миҳни девордан суғуриб, латтага ўрабди-да, чўнтагига солибди.

— Вой афанди-ей!— хахолашибди акалари.— Занглаган миҳни бошингга урасанми? Нима қилмоқчисан уни?

— Бирор нимага яраб қолар, билиб бўладими,— жавоб берибди бола. У миҳ эмас, олтин олгандай ич-ичидан суюнар экан.

Она кузларида ёш билан ўгиллари орқасидан қараб қолибди. Свенд эса унга анчагача қалпоғини силкитиб борибди.

Акалари чорраҳада тўхташибди:

— Биз Петер билан бирга кетамиз, сен эса, Свенд, миҳингни кўтариб ортимиздан юрма!

— Хун, майли, қадрдон акаларим! Оқ йўл! Тезда кўришиб қоларми!— дебди Свенд ва қишлоқ кўчасига бурилибди.

У узок юрибди ва кўчада бир қора нарсани кўрибди. Свенд қўрқиб: «Айқмикин, қандай қочсам экан?»— деб ўйлабди. Аммо яқин борса, у арачаси ёнида қовланаётган одам экан.

— Менга қара, болакай,— дебди у Свендга,— менга ёрдамлаш-вор, аравамнинг ўқи синиб қолди, темирчининг устахонасигача етиб ололмаганман.

— Менда миҳ бор, гилдиракка тиқиб туриш мумкин. Фақат уни вақтинчага бериб тураман, у мен учун қимматбаҳо, қадрдон уйимнинг миҳи,— дебди Свенд.

Дехкон кулиб юборибди.

— Жуда галаги бола экансан-ку, бўтам! Устахонага етишимиз билан қимматбаҳо миҳингни қайтиб оласан. Қўрқма.

Свенд умрида биринчи марта темирчилик устахонасини кўрибди ва унга ҳамма нарса ёқиб қолибди.

— Жуда кизиқарли экан! Босқон гувиллайди, болға тарақлайди, худди музиканинг ўзгинаси! Қани энди темирчи бўлсам!

— Кулгимни қистатма, болакай,— дебди темирчи.— Шундай оғир болғани кўтаришга кучинг етармиди?! Бу сенга ўйинчоқ эмас. Лекин агар истасанг, босқонга дам бериб туришинг мумкин, ўғлим тузалгунча. Ишинг эвазига тўйгунигча овқатлантираман, тагин бир оз чақа ҳам бераман.

Шундай қилиб, Свенд темирчининг ёнида қолибди. У дехқондан миҳини олиб, тўғрилабди-да, чўнтагига солиб қўйибди.

Темирчи тез орада Свенднинг тиришқоқ бола эканлигини пайқабди ва ул-бул нарсаларни ўргата бошлабди. Кўп ўтмай Свенд баъзи буюмларни ўзи ясайдиган бўлибди.

Аммо бир ойдан сўнг темирчининг ўғли тузалибди ва Свенднинг устахонадан кетишдан бошқа иложи қолмабди. Темирчи унга иш ҳақини бериб рози қилибди.

Свенд йўлга тушибди. У шўх бир ашулани куйлаб бораркан, йўл бўйидаги якка уй ёнига етибди. Эшик тагида кўзойнак таққан кичкинагина одам турган экан. У тикувчи бўлиб, қайчисини богичга боғлаб бўйнига осиб олганча, камзулини тозалаётган экан. Бирдан камзул унинг қўлидан сирғалиб чиқиб, шудринг босган ўтлар устига тушибди.

— Камзулингизни осиб қўймайсизми, хўжайин,— дея маслаҳат берибди Свенд.

— Менга ўргатма, гўдак!— дебди тикувчи.— Нима қилишимни сенсиз ҳам биламан.

Аммо Свенд унинг гапидан хафа бўлмабди ва таклиф қилибди:

— Сизга ёрдамлашим мумкин, хўжайин!

У чўнтагидаги миҳни чиқариб, эшик кесақисига қоқибди.

Тикувчи жилмайиб камзулини миҳга осибди ва тезда тозалаб олибди. Кейин Свендни уйига киритиб, хотинига нон билан сут келтиришни буюрибди. Қорни очиб қолган Свенд маза қилиб овқатланибди. Сўнгра кампирга раҳмат айтибди. Бу бекага жуда ёқибди.

— Йигитчани шогирдликка ол!— дебди у.

— Касбим темирчи бўлса ҳам, мен жоним билан сизларникида қоламан,— дебди Свенд.

Тикувчи Свенднинг озгин гавдасини бошдан-оёк кўздан кечирибди ва қаттиқ кулиб юборибди:

— Манави паҳлавон темирчини қаранглар! Зил-заъмбил болғани кўтариш сенинг ишинг эмас, ука. Тикишни-чи, тикишни биламанми?

— Уннаб кўраман,— жавоб берибди Свенд ва тикувчининг ёнига ўтирибди.

Шундай қилиб, Свенд тикувчи билан ишлай бошлабди ва тикувчиликни ҳам ўрганибди.

Бирок тикувчи шамоллаб қолиб вафот этгач, Свенд эшикдан миҳини суғуриб олибди ва кампир билан хайрлашиб йўлга тушибди.

Тез орада бир кишлокчага кириб борибди. Шу пайт момақалдирок гумбурлаб, кучли шамол туриб, яшин чакнабди. Бир уй ёни-

да қари кампир шошиб дордан кирларини йиғиштира бошлабди. Тўсатдан арқон миҳдан чиқиб кетиб, кампир унинг бир учини зўр-га ушлаб қолибди.

— Лаънати миҳ!— дея қарганибди кампир.— Иккига бўлиниб кетди. Кирларим лойга тушади-ку, энди!

— Мен ёрдамлашаман, буви,— дебди Свенд ва чўнтагидаги миҳни чиқариб, бир зумда деворга қоқибди.— Келинг, арқонни боғлаб қўяй, фақат кейин миҳни қайтариб берасиз, у кадрдон уйимдан ёдгорлик.

Свенд кампирга кирларини йиғиб, уйга олиб киришга ёрдамлашибди. Уйда у этикка товон қоқаётган этикдўзни кўрибди. Свенд остонада тўхтаб этикдўзнинг эпчил ҳаракатини кузата бошлабди.

— Мен ҳам темирчи, ҳам тикувчиман, бошмоқ тикишни эса билмайман!— дебди Свенд.

— Бемаъни гапларни валдирама! Сен қанақасига темирчи ёки тикувчисан? Аммо истасанг, мен этикдўзликка ўргатишим мумкин.

Шундай қилиб, Свенд этикдўзникида қолибди. Тўғри, чордоқда тунашга мажбур бўлибди, бироқ иссиқ ёз пайти бўлгани учун ер совуқ эмас экан.

Этикдўз бу эпчил ва ишчан болани қандай макташни ҳам билмас экан. Тез орада Свенд эски бошмоқларни тузатибгина қолмай, янгиларини тика бошлабди. У темирчи ва тикувчи берган пуллари-га тери сотиб олибди ва онаси учун бошмоқ тикибди.

Кузда Свенд хўжайинлари билан хайрлашиб, иш ҳақини олибди ва уйига жўнабди.

У шаҳардан ўтиб бораркан, бозорга кирибди ва камзулфуруш чолнинг дўқонида бир камзул кўриб қолибди.

У катта акаси Матс олиб кетган отасининг камзули экан. Демак, Матснинг аҳволи оғир, оч қолмаслик учун камзулни сотган. Свенд камзулни сотиб олиб йўлида давом этибди.

Бирдан Свенд бошқа дўқонда қуёш нурида ялтираб турган кастрюлни кўрибди. У яқинроқ келиб кастрюлдаги думалок қилиб тирналган жойни излабди. Уни қачонлардир Свенднинг ўзи тирналган экан. Онасининг кастрюлини танибди. Свенд жуда суюнибди ва уни ҳам сотиб олибди.

Свенд тезда ўз қишлоғига етиб борибди.

Уйда фақат печкада олов ёниб турар, бошқа чироқ йўқ экан. Ота-онаси стол атрофида ўтиришар, ёнларида эса иккита жулдир-вақи бола. Улар Матс ва Петер экан.

— Бечораларим,— дебди онаси,— хору зорлик кўрибсизлар! Очлик, муҳтожликларга чидабсизлару ҳеч нарса тополмабсизлар.

— Майли, ойи,— уни юпатишибди ўғиллари,— баҳорда дала ишига борамиз...

Шунда тўсатдан эшик очилибди. Остонада укалари Свенд пайдо бўлибди.

— Хайрли кеч, кадрдонларим! Мана, мен ҳам келдим!— қувноқ хитоб қилибди Свенд.— Мана сизга, дада, камзулингиз; сизга эса, ойи, севимли кастрюлингиз, яна ўзим тиккан янги бошмоқларни ҳам олинг! Бу эса ишлаб топган пулларим. Энди мен ҳам те-

мирчи, ҳам тикувчи, ҳам этикдўзман, кўп пул ишлаб бераман! Бу бўлса, ўзимизнинг миҳ! Бу менга жуда кўп ёрдам берди.  
Свенд шундай деб миҳни ўз жойига қоқиб қўйибди.

## ҚИРЛИК ГУДБРАНД

### НОРВЕГ ЭРТАГИ

Бир Гудбранд деган деҳқон яшаган экан. Унинг кўргони қирда бўлгани учун қирлик Гудбранд деб аташар экан. Деҳқон кампири билан жуда иноқ ҳаёт кечирар, хотини сира гапини икки қилмас экан. Эри нима деса, хўп деб тураркан. Деҳқон яхши иш қиладими, ёмонми, кампири ҳеч қачон эътироз билдирмас экан.

Улар унчалик тўқ яшамасалар-да, жуда қашшоқ ҳам эмас эканлар.

Чол-кампирининг бир парча ери, оғилда иккита сигири ва кўзачада қора кунлари учун асраб қўйган юз далер пуллари бор экан.

Кунларнинг бирида хотини эрига шундай дебди:

— Сигирлардан бирини шаҳарга элтиб сотсак, бизнинг ҳам одамларга ўхшаб сарф-харажатга пулимиз бўлар эди. Кўзачага беркитиб қўйган юз далерни ишлатолмасак. Кейин менга ҳам битта сигирга қараш осонроқ.

— Сен, хотин, бу гапни яхши ўйлабсан,— дебди қирлик Гудбранд.

У сигирнинг шохига арқон солиб, сотишга олиб кетибди.

Шаҳарга келиб, бозорда харидор кута бошлабди. Сигирга эса ҳеч ким қайрилиб қарамасмиш.

«Хўш, нима бўпти,— ўйлабди Гудбранд.— Сотишим жуда шартми? Оғилда доим жой топилади, келган йўлим эрталабгидан узайиб қолгани йўқ».

У секин кишлокка қараб йўл олибди. Йўлда кетатуриб отини сотишга олиб бораётган бир одамни учратибди. «От хўжаликка кўпроқ ярайди-ку»,— деб ўйлабди Гудбранд ва сигирини отга алмашибди.

Йўлда давом этаркан, хипчин билан семиз чўчка ҳайдаб келаётган деҳқонни кўрибди.

Чўчка Гудбрандга қараган экан, у деҳқонга дебди:

— Қулоқ сол, эй яхши одам, кел, алмашамиз. Мен сенга отни, сен чўчқани берасан.

Деҳқон ҳайрон бўлибди-ю, бироқ алмаштиришга кўнибди. Гудбранд йўлда бораётиб ўз-ўзидан суюнариш. «Уни қара-я,— деб ўйлабди у,— ишларим жуда зўр кетяпти. Чўчқани ҳам янада фойдалироқ нарсага алишсам эди».

У чўчқани эчкига алмашибди. Бозор кунини бўлгани учун кўп одамлар турли жониворларни шаҳарга қараб ҳайдаб бораркан. «Мана, қаерда фойда кўриш мумкин экан»,— ўйлабди Гудбранд дадиллашиб. Кейин тинмай алмашишга киришибди. Эчкини қўйга, қўйни ғозга, ғозни хўрозга алмаштирибди.

Гудбранд хўрозни қўлтиқлаб бораркан, қорни ўлгудай очқабди. Нонга эса пули йўқ экан. Нима қилиш мумкин?

— Хўрозни сотаман,— деган қарорга келибди Гудбранд.— Очликдан ўлишим мумкинмас, ахир!

У хўрозни ўн икки шиллингга сотиб, овқатланибди ва куп-курк йўлда давом этибди.

Гудбранд қишлоғига етиб бориб, нафасини ростлаш учун қўшнисиникига кирибди.

— Савдо-сотик қалай бўлди?— сўрабди қўшниси.

— Ҳм, нима десам экан,— жавоб берибди Гудбранд.— Мақтанишга арзийдиган ҳеч гап йўқ, аммо сиқилишга ҳам сабаб йўққа ўхшайди.

У бўлган воқеаларни гапириб берибди.

— Ҳа, хотинингдан кўрадиганингни кўрасан энди! — дебди қўшни.— Сенинг ўрнингда бўлишни ҳавас қилмасдим.

— Нимага?— дебди Гудбранд.— Унчалик ёмон савдо қилганим йўқ. Менга хотиним гинг демайди.

— Биладан, биладан, у жуда раҳмдил,— жавоб берибди қўшни,— фақат бу сафар омонлик кутма.

— Истасанг, баҳс боғлашамиз. Кўзачамда юз далерим бор, қора кунга асраб қўйганман. Агар хотиним салгина аччиқ-тирсик гап қилса, ўша пулнинг ҳаммасини сенга бераман. Агар у мени мақтай бошласа, сен менга юз далер чўзасан.

Улар қўл ташлашибди ва қоронғи тушгач, қирга — Гудбранднинг кўрғонига боришибди. Гудбранд уйга кирибди, қўшниси эса эшик орқасига яшириниб нима бўлишини кутибди.

Гудбранд остонадан ўтиб хотини билан саломлашибди.

— Ҳайрли кеч!

— Ҳайрли кеч!— дебди хотини.— Худога шукр, келдинг. Шаҳарда савдо қанақа бўлди?

— Ҳа, энди... Мақтанишга арзимайди. Сигирни ҳеч ким олмаганди, отга алмаштирдим.

— Вой, раҳмат, вой, раҳмат!— хурсанд бўлибди хотини.— Энди биз ҳам бошқаларга ўхшаб черковга аравада борамиз. Кейин хўжаликка от керак бўлади. Отни саройга олиб кириб қўй!

— От йўқ! Уни йўлда чўчкага алишдим,— жавоб берибди Гудбранд.

Хотини эса тагин ҳам суюнибди.

— Вой, ақлигим! Бундан яхшироғи бўлмайди. Сенга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим! Энди уйимизда чўчка гўшти-ю, ёғи туради, меҳмонларни яхшилаб зиёфат қилиш мумкин. Отнинг нима кераги бор эди! Одамлардан гап-сўзга қоласан. Фу, бойваччаларни қаранглар, черковга ҳам пиёда боргилари келмайди, дейишади! Чўққани оғилга олиб кир.

— Ахир, менда чўчка ҳам йўқ. Уни йўлда эчкига алишдим,— жавоб берибди Гудбранд.

Хотини эса қувонганидан ўзини қўярга жой тополмай қолибди.

— Ёлғонни роса дўндирасан-да! Чўчка нима бўпти? Ейсан-қўя-

сан, ҳеч нарса бўлмагандай. Эчки бошқа гап, сут, пишлок дегани. Қани, эчкининг буёққа олиб кел.

— Тўгрисини айтсам, эчки ҳам йўқ. Йўлда келаётиб уни қўйга алиштирдим,— дебди Гудбранд.

Хотини эса хурсанд бўлганидан ўйнаб юбораёзибди.

— Бу нарса қандай қаллангга келди? Эчкининг нима кераги бор? Фақат кунинг кирма-кир орқасидан қувиш билан ўтади! Қўй эса ҳам гўшт, ҳам жун. Қани, қўйингни келтир-чи.

— Қўй бор эди, йўқолди. Уни ғозга алиштирдим,— жавоб берибди Гудбранд.

Хотини эса қувончдан ўзини йўқотаёзибди.

— Мана буни жуда яхши қилибсан! Вой, раҳмат, яшавор! Тузукрок ўйлаб кўрсанг, қўйнинг сира кераги йўқ. Менда йиг ҳам, чарх ҳам йўқ, жун йигиришни ҳам билмайман. Жун керак бўлса сотиб олиш қийин эмас. Аммо энди семиз ғоз гўштига тўямиз, мен жуда яхши кўраман. Патини ёстиққа тикиш мумкин. Хўп, ғозинг қани?

— Ғозим ҳам йўқ. Мен уни хўрозга алиштирдим,— дебди Гудбранд.

Шунда хотини севинчдан қийқириб юборибди.

— Шунча нарсага қандай қалланг ишлади, ҳайронман! Ростини айтганда, ғознинг нима кераги бор? Уни тузукрок ковуришни ҳам билмайман. Ёстиққа эса пичан тикса ҳам бўлаверади. Мана, хўроз бошқа гап! Бу соат сотиб олган билан баравар. Энди биз доим вақтида турамыз. Хўроз тонгда қичқириши билан ухлаб бўлсан! Хўрозни олиб кел!

— Хўрозни сотиб юбордим,— дебди Гудбранд,— йўлда қорним шунақанги очқадикки, паққа ўлиб қолсам керак деб ўйладим. Кейин, ўн икки шиллингга хўрозни сотиб, ўзимга егулик олдим.

— Худога шукр, шунга ақлинг етибди,— дея қичқирибди хотини.— Нима қилган бўлсанг ҳам майли! Хўрознинг бизга нима кераги бор? Ўзимиз ўзимизга хўжайин, эрталаб тўйгунча уйқуни ураверамиз. Мен учун сен соғ бўлсанг бас, ғознинг ҳам, сигирнинг ҳам, чўчқанинг ҳам кераги йўқ!

Шу пайт Гудбранд эшикни очиб, қўшнисига дебди:

— Хўш, қалай, қўшни, юз далер ютдимми?

У эса жавоб берибди:

— Яхши хотин билан юткизганинда ҳам ютук сеңда бўлади.

Шундай қилиб, қирлик Гудбранд ютган юз далерга сигир, от, чўчқа ва тагин бошқа нарсалар сотиб олибди.

## СИРЛИ СУҲБАТ

### ПОРТУГАЛЬ ЭРТАГИ

Бир қиролнинг учта маслаҳатчиси бўлган экан. Улар шунақанги олифта, жиддий ва семиз эканки, кўрган одам жуда-жуда ақлли, деб ўйларкан. Қирол ҳам шундай деб ўйлаб бутун қироллик ишларини уларга топшириб қўйибди. Аммо ишлар йилдан-йилга ёмон-

лаша бориб, охири, кироллик хазинаси бутунлай бўшаб қолибди. Шунда ҳатто қари қиролнинг ўзи ҳам маслаҳатчиларнинг ўта ақллигига шубҳа қила бошлабди. У ўғли ва меросхўри ёш шаҳзода-ни олдига чақирибди-да, нима қилиш кераклигини сўрабди.

— Бу ишни менга топширинг,— дебди шаҳзода.— Мен бир амалдаб уларнинг ақлли ёки айёрлигини аниқлайман.

Шуни айтиш керакки, ёш шаҳзода қиролнинг ўғли бўлгани билан отасига сира ўхшамас экан. Қирол саройдан ҳеч қаерга чикмас, шаҳзода эса бу ерга камнамо меҳмон экан. Шаҳзода кун бўйи асов отини тоғу дараларда чоптириб юрар, тақир ерда тунаб қолар, йўлда учраган йўловчи ва деҳқонлар билан кўп суҳбатлар қураркан. Шунинг учун у ҳаётни кекса отасидан кўра яхшироқ биларкан.

Шаҳзода ишни эртасигача қолдириб ўтирмай, дарҳол маслаҳатчиларни айланиб келишга таклиф қилибди.

— Извошни ҳозирланглар!— тенгданига қичқирибди учов маслаҳатчи.

Аммо шаҳзода дебди:

— Мен эса пиёда айланмоқчиман.

Ноилож маслаҳатчилар кўнишга мажбур бўлибдилар, чунки шаҳзода қиролнинг ўғли-да. Хуллас, шаҳзода кўчада тез юриб кетибди, ортидан эса пишиллаб, лапанглашиб уч бақалоқ эргашибди.

Бир оздан сўнг улар узумзор боқда етиб боришибди. Шаҳзода узум узаётган боғбонга қараб қичқирибди:

— Ҳой, Педро амаки, тоғ чўққисига кўп қор тушибди-ку, а?

Боғбон шаҳзодага таъзим қилибди ва эҳтиром билан жавоб берибди:

— Вақти етди, сеньор шаҳзода, аллақачон вақти келган.

Маслаҳатчилар ҳеч балони тушунмабдилар — атроф теп-текис, бирорта дўнглик ҳам кўринмас экан. Тоғ чўққиси дегани нимаси?

Шаҳзода эса боғбоннинг ёнига келиб, саволини давом этдирибди:

— Уйинг неча марта ёнди?

— Икки марта ёнган, сеньор.

— Тагин неча марта худди куркадай патингни юлишади?

— Яна уч марта.

Маслаҳатчилар бу сафар ҳам ҳеч нарса тушунмай, оғизларини ланг очиб тураверишдилар. Шаҳзода эса кўшимча қилибди:

— Менинг уччала куркамни бир патини юлгин, Педро.

— Сиз буюрдингизми, демак, боқлайман!— хитоб қилибди боғбон ва кулиб юборибди. Шаҳзода маслаҳатчиларга қатъий қилиб шундай дебди:

— Сеньор маслаҳатчилар ва қиролликнинг энг ақллилари! Агар бутун ақлингизни ишга солиб, ҳозирги суҳбат мағзини чақолмасаларинг, ўз қулоқларингни кўрмаганингиздай, саройни ҳам кўрмайсизлар.

Шаҳзода шўх қадам ташлаб жўнаб кетибди, нақ юраги ёрилаётган маслаҳатчилар эса суҳбат мазмунини сўраб, боғбонга ялинишга тушибдилар.

Идрокли боғбон шундай дебди:

— Агар чопон ва камзулларингни менга берсаларинг, сеньорлар, ҳаммасини тушунтираман.

Маслаҳатчилар учун қимматбаҳо кийимларидан ажраш қийин, бироқ қироллик хизматини тарк этиш ундан ҳам оғир. Нима ҳам қилиб бўларди — ечинишга тўғри келибди.

— Гап шундай,— дебди чол,— «Тоғ чўққисига кўп қор тушибди» — деган гапнинг маъноси, «мен қаридим ва сочларим оқарди». Кейин шаҳзода неча марта уйим куйганини сўради. Мен англадимки, неча марта қиз чиқарганим билан қизиқяпти. Иккита қизимни турмушга чиқарганман ва кўп сарф-харажат бўлган. Охири, тагин неча марта куркадай патимни юлишларини сўради. Мақолда айтилганидай, «Қиз чиқарганга қирк йил тегма», тўйда нақ куркадай роса патингни юлишади. Менда эса тагин учта қиз бор. Демак, яна уч марта шилинаман. Учта курка эса сизлар. Кўриб турибсизки, буйруқни бажариб, боплаб патингизни юлдим. Ахир, чопон ва камзулсиз пати юлинган куркага ўхшамайсизларми?

Маслаҳатчилар тўртала топишмоқнинг ҳам мазмунини билиб олганларидан хурсанд бўлишибди, аммо шу пайт буталар орасидан шаҳзода чиқиб келибди ва яланғоч қолган доноларга дебди:

— Мен ҳаммасини эшитдим. Сухбатимиз маънисига етолмадиларинг. Шу бугуноқ чолнинг учала қизига сеп тайёрлашга қасам ичинглар. Менга қаранг, очкўзлик қилманглар.

Маслаҳатчилар бош эгишибди.

Меҳмонлар чақирилиб, тўй бошланди. Унда мен ҳам бўлдим. Менга икки бош узум беришди — биттаси ўзимга, иккинчиси эртакни эшитганга.

Ёш шаҳзода отасининг ёнига қайтибди.

— Менинг доноларим қани? — сўрабди қирол.

— Уларнинг сизга кераги йўқ.

— Аммо маслаҳатчиларсиз нима қиламан энди?

— Амаллайсиз. Бир одам дарёга тушиб кетибди ва чўка бошлабди. Шунда у кичкириб ёрдамга чақирибди, бироқ ҳеч ким келмабди. У кичкирганича чўкиб кетибди.

— Аҳмоқ,— хитоб қилибди қирол.— Қичкиришга бало борми, ўзи сузиб чиқиши керак эди.

— Худди шунга ўхшаб сизнинг ҳам қиролликни ўзингиз бошқаришингизга тўғри келади,— жавоб берибди шаҳзода.

Улар шундай қилибдилар.

Бу эртак фақат қиролга эмас, бизга ҳам тегишли: ишингни ўзинг билиб қил, сен учун бировлар қайғуришини кутиб ўтирма.

## ҚАРҚАРА ҚАНДАЙ БОШИДАН АЖРАДИ?

### ШИМОЛИЙ АМЕРИКА НЕГРЛАРИ ЭРТАГИ

Кунларнинг бирида ака Куён жамоасида даҳшатли бўрон туриб, охирги кучли шамол Мовий Қарқарани учириб кетибди ва ботқоқликка келтириб ташлабди.

Бу ерларда ханузгача ҳеч ким Қарқарани учратмаган, унинг ўзи ҳам ҳеч ким билан яқиндан таниш эмас экан. У узоқ Катта дарё жанубида яшар ва ўта олифталлиги билан ном чиқарган экан. Тўғри, бўрон унинг чиройли қиёфасини роса дабдаласини чиқарибди, бироқ у дарров ўрнидан туриб пардоз-андоз қила бошлабди. Энг аввал у гўзал кокилини тартибга келтирибди, кейин тўзғиган патларини тарабди. Ўзига келганига ишонгач, теваракка мағрур боқибди ва ботқоқлик аҳли билан танишишга киришибди.

Унга биринчи бўлиб ука Лойхўрак учрабди. Қарқара унинг ёнига келиб дебди:

— Хайрли кеч! Ботқоқликларинг дурустгина экан.

— Бизнинг ботқоқлик дунёда тенгсиз!— дея хафа бўлибди Лойхўрак, кейин сўрабди:— Мен Лойхўракман. Сизнинг отингиз нима?

— Меники Мовий Қарқара. Денгиздан учиб келдим, тўғри, ўз хоҳишим билан эмас, бироқ рад этмасангиз шу ерда тунамоқчиман.

— Марҳамат, Қарқара хола. Жой ҳаммага етади.

— Вой, мени «хола» деманг! «Қарқара хоним» денг!— хафа бўлибди Қарқара ҳам.—Ахир, мен ҳали турмушга чиқмаганман.

— Узр, Қарқара хоним, сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Аммо гавдангизни қаранг: фақат болалар эмас, балки невараларингиз бор, деб ўйлаш мумкин.

Лойхўрак шундай деб кутилмаган меҳмонни кузата бошлабди. Қарқара хоним эса йўлида давом этибди.

У ўз ватанида — чуқур сувда оёқларини баланд-баланд кўтариб қадам ташлашга ўргангани учун жазирама ҳаводан сўнг деярли қуриб қолаётган ботқоқликда ҳам худди шундай юрибди. Оёғи тагида қолаётган бобо Тошбақа панжасига ёпишишга урингандан кейин эса оёқларини яна ҳам юқори кўтариб юра бошлабди.

Қарқара шундай қилиб, бутун ботқоқликни айланиб чиқибди ва ҳаммага ўзини таништирибди. Тез орада қоронғи тушиб, жониворлар уйқуга ётишга ҳозирланибди. Ботқоқлик қушларинини ётиш олдида бошларини олиб кўяётганларини кўрган Қарқара қанчалик ажабланганини бир тасаввур қилинг-а. Тўғрироғи, унга шундай туюлибди. Аслида эса улар шунчаки бошларини қанотлари орасига тикиб, бемалол уйқуга кетарканлар. Бироқ Қарқара сира бунақа қилмагани учун ботқоқликда мода шунақа экан-да, деб ўйлабди.

Аммо Қарқара тўсатдан ботқоқлик четидаги буталар орасидан кимдир ирғиб чиққан кўзлари билан унга тикилиб турганини кўриб қолибди. Бу ака Қуён экан. Қарқара хоним эса уни бақага ўхшатибди ва салом ўрнига нақ қаншаридан чўкибди. Эҳ, ака Қуённинг аччиғланганини бир кўрсангиз эди!

— Бу қанақанги бемаънилик!— кичқирибди у.— Кўзимни чиқаришингга сал қолди! Сенга нима керак?

Қарқара аввалига кўркиб кетибди, аммо қаршисида ювош Қуён турганини кўриб, мағрур жавоб берибди:

— Тушунмадим, нега кичқиряпсиз? Мен бу ерда меҳмонман, исмим Қарқара хоним.

Кейин масхараомуз кўшимча қилибди:

— Хайронман, ботқокликда ўтирволиб бақа қиёфасига киришнинг нима кераги бор?

Бақа деса бир сапчиб тушадиган ака Қуён учун бундан баттар масхарани ўйлаб топиш кийин экан. Лекин меҳмон билан мулойим муомала килиш керак. Ака Қуён аламини ичига ютиб, дебди:

— Ҳм, демак, сиз бу ерда бегонга экансиз, ажабланишингизга хайрон қолмаса ҳам бўлади, Қарқара хоним. Мен бутун умримни шу ерларда ўтказдим, бироқ ханузгача хайратланавераман.

Ака Қуённинг дўстона кайфиятига ишонган Қарқара хоним ундан сўрабди:

— Марҳамат килиб айтинг-чи, нега бу ерлик қушлар бошсиз ухлашади?

— Қанақасига бошсиз?

— Шундай, бошсиз-да. Назаримда ухлашдан аввал бошларини бир четга олиб қўйишади. Нима бу, мода шундайми?

Ака Қуён ўзини хафа қилган Қарқаранинг устидан кулмасликка илож тополмабди. У кулгисини босиб, дебди:

— Ҳа, ҳа, бу ерда одат шунақа. Ҳамма қушлар ухлашдан олдин албатта бошларини олиб қўядилар.

— Қаранг-а, қандай қизиқарли! — хитоб қилибди Қарқара хоним. — Бу бизга ҳали, етиб боргани йўқ. Айтинг-чи, бошларини ўзлари олишадими ёки сартарош чақиришадими?

— Кўпроқ врач чақиришади, — дея ишшайибди ака Қуён. — Атрофда бу масала бўйича усталар бор.

Шундай деб ака Қуён уясига қараб чолибди.

Бироқ Қарқара хоним бу қизиқ суҳбатни охиригача етказмоқчи бўлибди. У теваракларида айланиб юриб бор гапдан хабардор бўлган ука Лойхўракка мурожаат қилибди:

-- Жаноб Лойхўрак, менга бирорта яхши докторни тавсия этолмайсизми? Ҳамма бошсиз ухласа-ю, мен бошим билан ётсам, ноқулай бўлар.

Лойхўрак ботқокқа яқинлашаётган Бўрини кўриб дебди:

— Ҳув анави жазнобга учрашинг, у доктор Бўри. Ўз ишининг устаси фаранги.

Тўгриси, ука Лойхўрак Қарқара хоним ростдан ҳам бошидан ажралади деб ўйламаган экан. Бироқ мода Қарқара хоним учун ҳамма нарсадан устун тураркан. У ҳазилни тушунмай жаноб Бўрининг ёнига бориб, дебди:

— Кечирасиз, сиз доктор Бўрими?

— Ҳа, мен Бўри, — жавоб берибди у узуноёқ нотаниш нима учун доктор деяётганига хайрон бўлиб.

— Мен Қарқара хонимман, — ўзини таништирибди Мовий Қарқара. — Бир қуш менга сизни тавсия этди. Биласизми, уйқум келяпти, лекин аввал бошимни олиб қўйишим зарур.

Жаноб Бўри унинг узун, ўткир тумшугига қараб беихтиёр каловланибди.

— Мабодо менинг бошимни олмоқчи эмасмисиз? — гўлдирабди Бўри.

— Вой, қандай ҳазилкаш экансиз-а, доктор! Сизникини эмас,

ўзимникини, албатта энг сўнгги модада. Менга ёрдам беролмай-сизми?

— Жоним билан,— жавоб берибди жаноб Бўри, Қарқара хоним устидан кимдир ҳазиллашганини тушуна бошлаб.— Қандай буюрадилар: қисқароқми, узунроқми? — кўшимча қилибди у узун бўйинни кўздан кечираркан.

— Мода қандай бўлса, шундай қилинг. Фақат айтинг-чи, оғритмайдими?

— Ҳали ўрганмаганингиз учун сал-пал оғритиши мумкин,— жавоб берибди жаноб Бўри,— лекин иккинчи мартасида ҳеч нарсани сезмайсиз. Қани, азизим, бўйингизни пастроққа туширинг-чи. Мана шундай...

Воқеа нима билан тугаганини айтиб ўтирмаймиз, бу аён. Ботқоклик кушлари Қарқара хонимни эслаганларида бекорга у модани деб ақлдан озган, бутунлай бошини йўқотган эди, дейишмайди.

Ҳаддан ташқари мода орқасидан қувиш баъзан мана шунақа оқибатларга олиб келади.

## ҒАРОЙИБ ДАРАХТ

### МЕКСИКА ЭРТАГИ

Педро ди Урдималас йўл бўйидаги дарахт тагида бир неча песо тангани ўйнаб ўтирган экан. Тангалар озлигидан унчалик жарангламас экан. Шунинг учун Педро қандай қилиб уларни кўпайтиришни ўйларкан.

Бирданига узокдан чанг-тўзон кўтарилгани кўринибди.

— Назаримда менга керакли нарса шу! — хурсанд бўлибди Педро ди Урдималас.

У тангаларини дарахт шоxlари орасига тиқиб қўйиб кута бошлабди. Бу орада йўлдаги чанг тобора кўтарилиб, тўзонга айланибди. Тўзон орасида хачирлар подаси келаётган экан. Уларни подачилар ҳайдашар, ёнларида эса отлиқ катта ранчо, яъни мулк эгаси бор экан.

Педро уларнинг яқинлашишини кутиб турибди-да, келишлари билан дарахтни қаттиқ силкита бошлабди. Подачилар билан хўжайин ҳайратдан оғизларини очиб қолишибди: дарахтдан жаранглаганича олтин тангалар тўкилибди! Педро эса жимгина тангаларини териб олиб киссасига урибди-да, ўзича дебди:

— Ҳа, майли, бугунча етар!

Мулк эгасининг кўзлари чакнаб кетибди.

— Эй Педро! — қичқирибди у.— Бу қанақанги ғаройиб дарахт? Менга сотмайсанми?

— Тўғриси, сотолмайман,— рад қила бошлабди Педро.— Бу ғаройиб дарахт отамдан мерос қолган, ундан ажралишим кийин. Аммо шуниси ҳам борки, дарахтни кечаю кундуз кўриклаш керак, мен бўлсам дунё айланишни яхши кўраман. Шунинг учун

агар мени кониктирадиган нархни айтсангиз, ўйлаб кўришим мумкин.

Улар савдолаша бошлабдилар. Педро секин-аста пастга тушар, харидор эса нархни кўшиб бораркан. Ниҳоят, бир битимга келишибди. Мулк эгаси кўпгина пул санаб берибди ва Педро чўнтагини жаранглатганча жўнаб қолибди. Энди тангалар жуда жарангдор овоз чиқарар, чунки улар кўп экан-да.

Қимматли дарахтнинг бахтли эгаси эса подачиларга уни авайлаб қовлаб олишни буюрибди. Дарахтни ранчосига олиб бориб, уйи ёнига ўтказибди. Ўтказганларидан сўнг эса силташга тушибдилар. Аммо қанча силташмасин песо тугул сентаво, яъни сарик чақа ҳам тўкилмабди.

— Эҳтимол, Педро ҳамма тангани қоқиб олган-у, янгиси ҳали етилмагандир, — деб ўйлабди хўжайин.

Бир кун кутибди, икки кун кутибди, бироқ дарахтдан танга тушмабди.

Охири, ранчо эгаси Педро алдаб кетганини тушунибди. У қаҳрланиб подачиларга бақрибди ва ҳаммалари Педрони излаб кетибдилар. Улар қидира-қидира Педрони дарё бўйидан топибдилар.

Педро ди Урдималас қаттиқ ухлаб ётар, ёнида эса похол саватда вино шишаси турган экан.

— Эй Педро! — ранчо эгаси уни кўриб хитоб қилибди. — Қасамёд этаманки, энди умринг охиригача дарё сувидан бошқа нарса ичолмайсан! Уни эса то бўккунингча ичасан!

Подачилар ухлаб ётган Педрога ташланишибди ва бугдой қопига тикишибди. Қоп оғзини маҳкам боғлаганларидан кейин ранчо эгаси дебди:

— Иш битди! Энди қопни дарёга ташлаш қолди, холос. Ҳе, шошадиган жойимиз йўқ. Келинглар, Педро ди Урдималаснинг фаройиб дарахтида битган винодан ичамиз.

Шиша давра айлана бошлабди. Вино жуда кучли экан! Шиша бўшаши билан ҳаммаларини уйқу элита бошлабди. Улар қумлокқа ётишиб, бараварига хурракни варанглатибдилар.

Шунда Педро ёнидаги ўткир пичоғини чиқариб, қопдан қўл сиққудай тешик очибди. Кейин кўлини узатиб қоп оғзини ечибди ва ташқарига чиқибди. Қопни эса отларнинг ёпқичлари билан тўлғазиб, оғзини маҳкам боғлабди.

Бошқа одам бўлса таъқибчилари ухлаб ётганда қочиб қолишни ўйлаган бўларди. Аммо Педро ди Урдималас унақангилардан эмас экан! У ҳар бир ишни охирига етказишни яхши кўраркан. Шунинг учун буталар орасига яшириниб буёғи нима бўлишини кутибди.

Тез орада ранчо эгаси ва подачилар уйғонибдилар. Улар қопни кўтариб дарёга улоқтирибдилар.

— Алвидо, Педро! — қичқирибди ранчо эгаси. — Энди сув остидагиларни лақиллатаверасан!

— Нега фақат сув остидагиларни? — дебди Педро буталар орасидан. — Лақиллатиш мумкин бўлганлар курукликда ҳам кўп-ку!

Ҳозиргина сувга чўккан Педронинг овозини эшитган хўжайин ва подачиларнинг шунчалик ўтакалари ёрилибдики, отларига миниб кочиб қолибдилар.

Педро эса бутазордан чиқиб, қопни сувдан тортиб олибди ва от ёпқичларни яқиндаги бир ранчога олиб бориб сотибди.

## ЯНЮРЕК ВА ЯРОШЕК

### ПОЛЬЯК ЭРТАГИ

Ўрмон шайтони Ярошек ўз хўжалигини кезиб, ҳамма нарса жойидами, йўқми, шунини билмоқчи бўлибди. Хўжалиги катта — доим кўз-қулоқ бўлиб туриши керак экан. Чумолилар қишга тайёрланиб, уяларининг тешикларини беркитишаётган экан. Айиқ эса овлоқ бурчакдан ўзига ўнгир танлаб қўйган, ҳозирча ўйнаб юрар, биринчи қор тушиши билан уйқусини бошлашга тайёр экан. Ғозлар иссиқ ўлкаларга йўл олишган, иккита буғу ниманидир талашиб уришаётган экан. Улар шохларини тарақлатиб тўқиштириб, бўқириша-бўқириша турли томонга қараб кетишибди. Ўрмонга тагин жимлик чўкибди. Қоронғу туша бошлабди.

Фақат Ярошекка аллақим йиғлаётгандай туюлибди. У овоз келган томонга аста бориб яширинибди ва буталар орасидан мўралабди.

Ўтлоқ ўртасидаги бир қуриган дарахтнинг қингир-қийшиқ шохлари ўткир панжалардай ҳар ёнга тарвақайлаб кетган экан. Дарахт тагида эса бир одам бор эмиш. Унинг кўзларидан дув ёш оқар, кўллари чуваланган арқонни ёзар, ўзича:

— Эҳ, даҳшат! Ёруғ дунё билан хайрлашгим йўқ, лекин тақдирим шунақа экан-да, — деб нолирмиш.

— Вей, нима қиляпсан? — қўрқиб кетибди Ярошек. — Наҳотки ўзингни осмоқчисан?

— Эҳ, осмоқчи эмасман-у, бошқа иложим йўқ.

— Сени ким мажбур қиляпти?

— Хўжайинимнинг яхшилиги бу.

— Қанақанги яхшилиги, ўзингни осишга мажбур этсаю?.. — хайрон бўлибди Ярошек. — Бунақасини сира эшитмаганман.

— Жуда оддий воқеа... Хўжайиннинг яхшилиги шунақа — аввал ширин туюлганди, кейин заҳарга айланди.

— Сен гапириб бер-чи, — дебди Ярошек, — балки ёрдамим тегар.

— Сен ёрдам берасанми? Хўжайин сизларнинг шайтонона ёрдамларингсиз ҳам...

— Билмадим, — дебди Ярошек, — фақат шайтоннинг шайтондан фарқи бор.

— Бирининг шохи узунроқ, бошқасиники калтароқ — фарқи шу. Майли, гапириб бераман, лекин бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Барибир ўзимни осишим керак.

Кейин у ҳикоясини бошлабди.

— Исмин Ян, Янюрек деб чақиришади...

— Мени Ярошек деб аташади,— ўзини таништирибди шайтон.

— Ярошек бўлса Ярошек-да,— давом этибди Янюрек.— Етти йил мукаддам уйлангандим. Бир шапалоқ ерим, эски кулбам, қирчанги отим бўлиб, оилани тебратиш мумкин эди. Бир куни бой кўшним кириб келди ва менга ёрдамлашмоқчи бўлди. Ўзимни тиклаб олишим учун пул берди. Албатта, қарзга. Мен аҳмоқ пулни олдим. Келгуси ёз ҳосил битмади, қарзни тўлай олмадим. Қарзнинг устамаси эса ўсаверди. Устига-устак, отим ўлиб қолди. Буёқда бола-чака бор. Шундай қилиб, бошланди ғовға. Ҳар йили болалар туғилиб турибди. Энди кулбам ҳам, ерим ҳам ўзимникимас. Демак, у устимдан тўла хўжайин — ҳаммаси уники. Мен ҳам бутун бўйим билан уникиман. Шунин билгинки, барчаси қарзнинг устамаси туфайли, у лаънатининг ўзи нима деб ўйлайди, билмайман. Хотиним ва болаларим совукда, очнаҳор ўтирибди. Мана, шунинг учун ўзимни осмоқчиман. Балки шунда одамларнинг раҳми келиб, қарздан кечар, балки ўлим қарздан қутқарар.

Ярошек унинг гапини тинглармиш-у, бурнини тортармиш. Бир пайт Янюрек қараса, ўрмон шайтони хўнг-хўнг йиғлаяпти.

— Э, бундан фойда йўқ,— дебди Янюрек.— Ўзим йиғлаганим етмагандай, шайтоннинг ҳам кўнглини буздим. Сен нега хўнграяпсан?

— Болаларингга ачиняпман,— хўрсинибди Янюрек.— Менда ҳам бешта шайтонвачча бор, бири биридан кичкина.

— Йўлингга қараб кетавермайсанми, юракни эзяпсан, холос,— Янюрек арқонни сиртмоқ қилиб бўйнига кийдирибди.

Шунда шайтон эчкиникидай овозда қичкирибди:

— Шошма, осма! Мен қараб туромайман. Яхшиси, мен билан юр. Сенга бир нарса кўрсатаман.

Янюрек қизиқиб қолибди: шайтон нима кўрсатиши мумкин?

— Майли,— рози бўлибди у,— бошла. Тун узок, ҳали ўзимни осишга улгураман.

Ярошек Янюрекни ўрмоннинг қоп-коронги жойига олиб борибди. Атроф шунақанги қалин чангалзор эмишки, на қуш учиб ўтолар, на сассиқкузан киролар, фақат шайтонларгина йўл топиб юриши мумкин экан.

— Эй, уёғига бормаيمان,— оёғини тирабди Янюрек.— Чангалзорда сандироқлаш жонимга тегди.

— Етиб келдик,— дебди Ярошек.— Тепангга қара-чи.

Янюрек тепасига қараса, бир нок дарахти ўсиб ётар, баргидан меваси кўпроқ эмиш.

— Бе, ёввойи нок-ку! — хафа бўлибди Ярошек.— Шунин деб мени ишдан кўйдингми ҳали?

У ортига қайрилибди.

— Тўхта, тўхта! — Ярошек унинг этагидан тортибди.— Бу нок оддий эмас. Дарахтни силкиб бок, нима бўлишини кўрасан.

Янюрёк бир шохни ушлаб силтай бошлабди.

Оҳ, шунақанги жаранг-журинг эшитилибдики!.. Барглар узилиб, ер билан битта кумуш танга пайдо бўлар, нок тушса, ерда олтин дукатлар думалар экан.

Шунда Янюрёк бор кучи билан дарахтда бирорта барг ҳам, бирорта нок ҳам қолмагунча силкибди. У чўнтаклари-ю, калпоқларини олтин-кумушга тўлғазибди, ўзини осмоқчи бўлган арқонни ҳам белига боғлаб, қўйнига ҳам олтин-кумуш тиқибди. Ерга тўкилганини ҳам битта қолдирмай териб олибди. Кейин Ярошекка раҳмат айтиш учун ўгирилса, у хатто хайрлашмай ғойиб бўлганмиш. Фақат олисдан аллакимнинг хўрсиниб гўлдираётган овози эшитилармиш:

— Эҳ, соддалигим курсин, соддалигим! Раҳмдиллик қилдим, энди шайтонлар бошлиғи олдида жавоб бераман. Бу ишим кулфат билан тугамасайди!

Янюрёк ярим тундагина ўрмондан чиқибди. Уйига қанчалик шошилмасин бойнинг ҳовлиси ёнидан ўтаётиб худди оёғидан биров тортгандай тўхтаб қолибди. Бойнинг деразасини тақиллатибди. Уйқусираган бой қаҳр билан югуриб чиқибди.

— Сен, ялангоёк, нега кечаси уйим атрофида айланишиб уйку бермайсан?

— Сени деб тун бўйи ухламадим,— дебди Янюрёк.— Гапир, қанча қарзим бор?

Хўжайин хахолабди:

— Тушингда олтин тоғ кўрдингми, нима бало? Унгингда эса бир умр қарзингни узолмайсан. Мендан бир кружка кумуш, бир кружка олтин қарзсан.

— Устамаси билан шунчами? — сўрабди Янюрёк.

— Устамаси билан.

— Устамаси тунлари ҳам ошадими?

— Йўқ, фақат кундузи,— деб ишшайибди хўжайин.

— Майли, унда сен билан эрталаб ҳисоблашаман.

Янюрёк кетибди, бой эса хотинини уйғотибди.

— Тур тезроқ,— дебди,— бир нарсани тушунолмаёпман. Ҳозир Янюрёк келди, қарзини тўламоқчи бўлди. Мен уни масхаралаб бир кружка кумуш, бир кружка олтин қарзсан дедим. У эса сира тап тортмай, эрталаб олиб келишини айтди. Нима гап экан?

Хотини шошиб қолибди.

— Чопиб бориб, секин мўралайми?

У югуриб кетибди. Орадан сал ўтмай қайтиб келибди. Рўмоли бир ёнга қийшайиб кетган, зўрға нафас олармиш.

— Вой, эржон, нималарни кўрдим-а! Янюрёкнинг деразасига парда тутилган-у, озгина жойи очик қолган экан. Ўша ердан мўраладим. Янюрёк билан хотини столга ўтирволиб олтин-кумушни уйишяпти. Янюрёк олтинларни, хотини кумушларни сана-япти. Шунақанги кўп бойликки, сен айтган қарзни берган билан уларга пашша чакқанчалик ҳам бўлмайди.

— Тўғри, Янюрёк хазина топган,— дебди хўжайин.— Омади чошибди.

— Нимага анқаясан! — уни койибди хотини.— Бу бизнинг омадимиз-ку! Ер уникамас, бизники, кулба уникамас, бизники, унинг ўзи ҳам бизники-ку. Демак, хазина ҳам бизники-да.

— Гапинг-ку, тўғри-я,— хўжайин гарданини кашлабди,— лекин хазиначи қандай тортиб оласан?

— Уни бошлаб кўрқитиш керак! — дебди хотини.— Улар уйдан қочиб кетса, шартта хазиначи оламиз.

Хўжайин яқинда ўлиб қолган эшагининг терисини ёпинибди-да, Янюрёкниқига қараб югурибди. Бориб деразачи тақиллатибди, оёқларини тапиллатиб ерга урибди, товусдай қичкирибди, бўрига ўхшаб ув тортибди.

Янюрёкнинг хотини ўлгудай кўрқиб кетибди. Болалари уйғониб йиғлай бошлабди.

Янюрёкнинг ўзи эса трубкасини чекиб кулиб ўтирганмиш. У нимадан кўрқарди? Шайтонданми? Шайтоннинг ўзи ёрдам берган-ку. Хўжайинданми? Пули бор — у ҳам кўрқинчи эмас.

Хўжайин эса дераза тагида қутурғандан қутурибди. У шунангидеки шовқин кўтарибдики, чумчуқлар қирқиллашиб, қатакдаги товуқлар қоқоғлаб, итлар вовуллаб, ўрмондаги айик бўкирибди. Ўрмон шайтони Ярошек ҳам уйғониб кетибди.

Шовқинга кулоқ солиб туриб ўзича дебди:

— Янюрёк хурсандчилик қилаётгани аниқ. Бахт-омадини нишонлапти. Мен ҳам бориб бирга яйрайлик.

Шайтон Янюрёкнинг кулбасига етиб келибди, қарасаки, дераза тагида эшак терисини ёпинган бой чошиб юрибди.

— У ўзини шайтон қилиб кўрсатмоқчи эмасмикин? — деб ўйлабди Ярошек ва жуда жаҳли чиқибди.— Эшак тери ёпиниб олганига ўласанми?! Бизнинг шайтон йигитлар эшакка ўхшайдими, ахир! Бу бизга нисбатан ҳақорат-ку! Кийинини ҳам билмайди-я! Агар улар бировни кўрқитмоқчи бўлса, ҳар қандай одамнинг сочи тикка туриб, ҳар қандай ҳайвоннинг юраги титрайди. Бу эса оёғини тапиллатиб, томоғини йиртишни биледи, холос. Қаллобни ўзим билан олиб кетаман, уёқда бир бошлаб шайтонлик илмини ўргатай.

Шундай қилиб, шайтон бойни ўрмонга олиб кетибди.

Эшак терисини эса ярамас бойдан ёвуз хотинига эсдалик бўлсин учун деразасига осиб қўйибди.

Шундан сўнг Янюрёк ўз оиласи билан ҳам-ташвиш нималигини билмабди. Ўзини осмоқчи бўлган арқон эса узоқ вақт хизмат қилибди: Янюрёкнинг хотини унга кир илиб қуритаркан.

## АЙЁР БОЛА

### ФРАНЦУЗ ЭРТАГИ

Бор экан-да, йўқ экан, бир эр-хотин яшаган экан. Турмушлари ёмон кечмаса-да, қаттиқ аламда қолган эканлар: такдир уларга фарзанд ато қилмаган экан.

Кунларнинг бирида хотин уйда ёлғиз ўтирса, иккита ёш боласини етаклаб олган лўли эшикни тақиллатибди ва салом ҳам бермай шундай дебди:

— Ёйишга бирор нима бер, бўлмаса бир соатга қолмай очликдан ўламиз.

Хотин жуда раҳмдил экан, шунинг учун лўлини ялинтириб ўтирмабди. Унинг гапини эшитиши билан оҳ урганча дарров ҳаммаларига бир кружкадан сут ва бир бурдадан нон берибди.

Лўли билан болалари овқатланиб лабларини артишибди-да, раҳмат айтиб йўлларига кетишибди. Аммо эртасига улар тагин келишибди ва раҳмдил аёлдан коринларини тўйгазиб қўйишни сўрашибди. Уй бекаси бу сафар ҳам рад этмабди.

Бу ҳол бир ҳафта давом қилибди. Фақат еттинчи кун лўли бекага раҳмат айтибди ва кулимсираб шундай дебди:

— Кўриб турибманки, яхши аёл, роса сиқилляпсан. Агар ундан кутулишни истасанг, богингга чиқиб, олча дарахтадаги елимини топ ва олиб яла. Кейин бир йилга етмаёқ ниятингга етасан.

Лўли кетиши билан бека боққа чиқибди, олча дарахти ёнига бориб караса, унда ростдан ҳам елим ялтираб турганмиш. Бармогининг учи билан елимни олиб ялабди.

• Ой-кун итиб, бир ўғил кўрибди. Чакалоқ шунақанги чиройли эмишки, асло таърифимўқ.

Вакт ўтаверибди, бошқа болалар ўсиб-улғайибди, бека ўғлининг эса сал-пал бўйи чўзилганча тўхтаб қолибди. Аммо у кичкина бўлгани билан ниҳоятда қувноқ ва айёр экан. Уни бекорга айёр бола дейишмас экан.

Унинг ёши йигирмага етганда қироллик хизматига кирмоқчи бўлиб, йўлга чиқибди.

У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди ва кунларнинг бирида қоронғи ўрмонда адашиб қолибди. Олдидан деразасидан ёруғ тушиб турган катта бир уй чиққунча сандироқлаб юрибди. У уйнинг эшигини тақиллатибди. Остонада улкан девнинг хотини кўринибди. Айёр Бола ундан сўрабди:

— Сизларникида тунаб қолсам майлими, бекажон? Қирол олди-га кетаётувдим, хизматига кирмоқчиман, адашиб қолдим.

— Эҳ, омадинг келмабди, бечора,— хўрсинибди хотин.— Уй олтин соқолли ёвуз Девники. Яхшиси, бу ердан жўнаб қол. Бўлмаса, Дев еб қўяди!

— Кетолмайман,— дебди Айёр Бола,— роса чарчаганман, адашиб қолганман. Барибир мени ўрмонда вақший хайвонлар омон қўймайди. Ундан кўра, бирор жойга беркитиб қўйинг, эрталаб туриб секин жўнавораман.

— Нима ҳам қилардик, шундай экан, қолақол. Эримни алдашга уриниб кўраман.

Хотин уни сихда қўкиз, чўчқа ва қўй пиширилаётган ошхонага олиб кирибди. Болани едириб, ичиргач, улкан бочкалар сақланадиган ертўлага яширибди.

Айёр Бола тез орада даҳшатли шовқин эшитибди — олтин соқолли Дев уйига қайтаётган экан. Дев столга ўтириб хоти-

нига хўкиз кабобни келтиришни буюрибди. Кейин чўчка ва кўй кабобни ҳам ургач, ертўлага тушиб вино ичмоқчи бўлибди. У бочкани шартта кўтариб бир хўплашда бўшатибди ва тепага чиқаётиб бурчакда биқиниб ўтирган болани кўриб қолибди.

— Ҳў,— суюниб кетибди Дев,— хотиним жуда гамхўр-да. Газак учун тайёрлаб кўйибди-да. Афсус, болакай роса озгин, миттигина экан-да. Э-э...майли, зарари йўк!

У болани баҳайбат панжасига олиб ошхонага кирибди.

— Гамхўрлигинг учун раҳмат, хотин,— кулибди Дев ва болани ёқасидан ушлаб кўтарибди.

— Унга тегма,— илтимос қилибди хотин.— Нонуштангга асраб кўйганман.

— Нонуштага дейсанми? Хўп, яхши, тагин бир кеча яшаб турсин. Сен, болакай, қизикроқ воқеалардан биласанми?

Айёр Боланинг кўнгли кўтарилиб, Девга фаройиб ва кулгили ҳикоялар айтиб бера бошлабди. Дев эса уларни эшитиб, кулавериш думалаб қолибди. Айёр Бола жим бўлгач, Дев сўрабди:

— Отинг нимаиди сенинг?

— Айёр Бола!

— Вах-ха-ха...Зўр исм экан! Жуда қувнок экансан, йигитча. Сен билан одам зерикмайди. Гап шундай, Айёр Бола, ейишга ҳар қачон улгурарман, Унгача эса ҳикояларинг билан мени овутиб юрасан. Бўптими?

— Сиз ҳақсиз,— дарров рози бўлибди Айёр Бола.— Шошиб нима қиласиз, ҳеч қаёққа қочиш кетмайман, дунёдаги ҳамма нарса ҳақидаги воқеаларни биламан.

— Ҳамма-ҳамма нарса ҳақидами?

— Ҳамма нарса ҳақида,— жавоб берибди Айёр Бола.

Овқатдан сўнг Дев болани кўшни хонага киритиб, ухлашни буюрибди, ўзи эса хотини ёнига бориб дебди:

— Айёр Боланинг мақтанганини эшитдингми? Дунёдаги ҳамма нарсани билармиш! Отхонамдаги олтин этикли ҳачир тўғрисида ҳам билармикин? У шунчаки олтин эмас, чопагон этик. Бир кадам ташласа қирқ лье ортида қолади. Эҳ, ёлғончи мақтанчоқ! Хўп, майли, ухлашга кетдим.

Дев каравотга ётиб энди пишиллаш бошлаган экан, бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди:

— Ха-ха-ха!..Ҳаммасини билармиш! Вой, ичагим узилиб кетади! Олтин соқолим ҳақи, қасам ичаманки, қирқ лье атрофини ёрита оладиган ёрқин ой шундоққина эшик тагидаги қопда турганини билиб бўпти.

Орадан сал вақт ўтмай Дев тагин хахолабди:

— Ха-ха-ха!..Ҳамма нарсани билармиш, каравотим тагида ётган кумуш торли ғижжакдан эса хабари йўк. Ғижжакнинг сеҳрлилиги эса у билагоннинг хаёлига ҳам келмайди. Унинг овозини эшитган одамлар истаса-истамаса ўйинга тушиб кетади. Ха-ха-ха!..

Дев кула-кула эснашга ўтибди ва тўсатдан шунақанги хуррак ота бошлабдики, бутун уй титрабди.

Айёр Бола эса ухламай ҳамма гапни эшитиб ётган экан. Дев хуррак тортиши билан бола ўрнидан ирғиб туриб отхонага кирибди ва олтин этикли хачирни ечибди, энди тўқим урмоқчи экан, хачир бирдан ўрмонни бошига кўтариб ханграб юборибди. Дев уйғониб кетибди ва қаҳрланиб бакирибди:

— Овозингни ўчир, эшак! Уйкуга халакит берма!

Бу пайтда Айёр Бола хачирга тўқим уриб отхонадан олиб чиқибди ва устига миниб олибди. Хачир иккинчи марта ханграбди, аммо Дев ўрнидан туришга эринибди-да, кичкириб қўя қолибди:

— Жим бўл, ҳайвон! Уйқумни бузма! Бўлмаса, ҳозир туриб таёқ билан савалайман.

Айёр Бола хачирнинг юганини силтаган экан, хачир учинчи марта ханграбди.

— Ҳали шунақами? — қазабга минибди Дев.— Шошмай тур! Ҳозир мендан кўрасан!

Дев ўрнидан сапчиб туриб таёғини кўтарганча ётоғидан отилиб чиқибди. Айёр Бола эса уни кўриши билан кичкирибди:

— Ҳой, Дев! Мана сенга биринчи ҳазилим! Айёр Бола қанақалигини эсингдан чиқармайсан. Энди эса олга, менинг тезоб хачирим!

Хачир бир қадам ташлаши билан улар қирк лье узоклашибдилар. Биттагина кўйлақда чиққан Дев орқаларидан ташланибди-ю, лекин тезоб хачирга тенглашиб бўлармиди? У ҳеч нарса қилолмай уйига қайтибди ва хотинини сўка кетибди.

Айёр Бола эрта тонгда саройга келиб қиролга тунги саргузаштларини гапириб берибди. Воқеани эшитган қирол кулавериб думалаб қолаёзибди, кейин эса ўйлаб ўтирмай ўзига маслаҳатчи қилиб олибди.

Ҳамма нарса яхши бўларкан-у, орага қиролнинг қизи аралашиб қолибди. Унинг ҳам Айёр Бола гапириб берганга ўхшаш қизикарли воқеаларни эшитгиси келибди. Кунлардан бирида бола унга қалин ўрмондаги Девнинг уйида қопга ёрқин ой яшириб кўйилгани, яна сеҳрли гижжак борлигини айтиб берибди. Маликанинг кўнгли ўшаларга эга бўлишни тусаб қолибди ва бутунлай тинчлигини йўқотибди. У емай, ичмай кўйибди, хонасига камалаб олиб ҳеч кимни киритмас экан. Қирол хавотирга тушибди.

— Нима бўлди, қизгинам? — сўрабди қирол.— Касалмасмисан?

— Эҳ, ота! — хўрсинибди малика.— Қирк лье атрофни ёритувчи ойга эга бўлмасам, ҳеч нарса мени юпатолмайди. Буюргин, Айёр Бола Девнинг уйига бориб ёрқин ойни келтирсин. Агар олиб келмаса, мен сиқилиб ўламан.

Шунда қирол ёш маслаҳатчисини чақириб, қизининг гапларини унга айтишга мажбур бўлибди. Айёр Бола роса қайғурибди, у тағин Девникига боришни сира-сира истамас экан. «Бошимга бирор кулфатни ёғдирмасайди»,— деб ўйлабди кўрқинч билан Айёр Бола. Аммо қирол сўзи — қонун, бўйсунушга тўғри келибди. Қиролдан йўлга фақат бир қоп туз сўрабди ва хачирига ўтириб, кўз очиб, юмгунча олтин соқолли Дев уйига етиб борибди.

У қоронғи тушишини кутибди-да, томга чиқибди ва мўридан ошхонага қарабди. Остида олов гуриллаётган баҳайбат қозонда ов-

кат пишаётган экан, Бола қопни тешибди ва аста-секин қозонга туз тўка бошлабди. Шундай қилиб, ҳамма тузни қозонга ташлабди.

Орадан сал ўтгач, Дев столга ўтириб, қозонни ёнига тортибди, овқатдан бир қошиқ ебди.

— Уф, роса туз солибсан-ку! — дебди у, лекин овқатнинг ҳаммасини еб қўйибди, кейин чанқоғини босиш учун сувга бормокчи бўлибди.

Дев қопдан ёрқин ойни олиб, пешайвонга илибди ва иккита бочкани елкасига қўйиб дарё томон жўнабди.

Айёр Бола эса ўша заҳоти биқиниб келиб шартта ойни олибди. У ойни туздан бўшаган қопга солибди-да, қичқирибди:

— Эй олтин соқолли Дев, мана сенга иккинчи ҳазилим!

Дев кутилмаган бу воқеадан эсини йўкотаёзибди, бироқ ўзига келгач, кичкина Айёрни қувишга тушибди. Аммо узоққа боролмабди, қоронғида чакалакларга қоқилиб йиқилибди ва бурнини яра қилиб олибди. Нима ҳам дердик, шунақаси ҳам бўларкан. Айёр Бола эса сакраб хачирга минибди-ю, бир зумда қирол саройида ҳозир бўлибди.

Атрофга нур сочаётган ойга эга бўлган қирол билан қизи роса севинибдилар. Кечқурун қирол ойни энг баланд минорага осишни буюрибди ва шаҳар тунда ҳам кундузгидай ёришиб кетибди. Бу гаройибот ҳақида эшитган одамлар томоша қилиш учун тўп-тўп бўлиб шаҳарга кела бошлабдилар.

Лекин инжиқ маликанинг овуниши узоққа бормабди ва тагин қовоғини солиб, ҳамма нарсани рад қилибди, хонасига қамалаб олибди.

— Нима бўлди, қизим? — тагин хавотирга тушибди қирол. — Касалмисан?

— Йўқ, ота, касал эмасман, жуда-жуда кумуш торли гижжак овозини эшитгим келяпти.

— Хафа бўлма, гижжакни ҳам келтириб беради, — дебди қирол.

Кейин маслаҳатчисини чақиртирибди. Шундай-шундай, қизим кумуш торли гижжак овозини эшитмоқчи, дебди.

— Агар келтирмасанг, калланг кетади!

Шўрлик Айёр Бола! Девникига борса, тирик қайтмайди, қиролникида қолса, калладан ажрайди. Хўш, қандай маслаҳат берардингиз? Бола ўйлай-ўйлай Девникига боришга қарор қилибди. Қиролдан фақат бир бочкачада уйқу суви сўрабди.

Уйқу сувини келтириб беришибди. Кечқурун Айёр Бола олтин соқолли Дев уйига келибди. Қоронғи тушгач, у туйнукдан ертўлага кирибди ва виноли бочкага уйқу сувини қуйибди. Ўзи эса бурчакка яшириниб олибди.

Кечки овқатдан сўнг Дев ертўлага кирибди-да, бочкадаги ҳамма винони ичиб, хонасига кайтибди.

— Оҳ... Нимагадир уйқу босяпти, — дебди у. — Тезрок ўрин сол, бўлмаса юрган йўлимда ухлаб қоламан.

Хотини ўрин солиб берибди, Дев ётибди ва ўша заҳоти бутун уйни бошига кўтариб хуррак ота бошлабди. Айёр Бола сал кутиб

турибди, кейин унинг хонасига кириб, каравоти остидан кумуш торли ғижжакни олибди.

Дев ғижжак овозини эшитиб уйғонибди-да, истаса-истамаса ўйинга тушиб кетибди. Кўзлари юмук эмишу ўз-ўзидан оёқлари ўйнармиш.

— Оҳ, мадорим колмади... — инграбди у. — Жим қилсанг-чи! — Дев қичкирганича ўйнай-ўйнай уйдан ташқарига чиқибди.

У ялангликка чиқиб қараса, ғижжакни Айёр Бола чалаётганмиш.

— Ғижжакни тўхтат! — ялинибди Дев. — Уйқум келяпти!

— Агар ғижжак меники бўлганда эди, буюрардим, сеники бўлгани учун бўйсунмаяпти! — дебди Айёр Бола.

— Сеники, сеники! — рози бўлибди олтин соқоли Дев. — Бутунлай бердим! Майли, бу учинчи ҳазилинг бўлсин! Аммо энг охир-гиси!

Айёр Бола жон-жон деб кўнибди, ғижжакни кўтариб, хачирга минибди.

Сехрли ғижжакни кўлга киритган қирол катта зиёфат берибди. Бутун Франциядан меҳмон чақирибди. Улар бир кун ўйнашибди, икки кун ўйнашибди, уч кун, ғижжак эса сира тинмасмиш. Байрам ўзоқ вақт давом этибди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, маликадагин зерикаётганидан шикоят қилибди. Овқат ҳам ёкмасмиш унга, гап-сўзлар ҳам, ғижжак ҳам жонига тегибди.

— Менга, — дермиш у, — Девнинг олтин соқоли керак. Бола Девнинг соқолини олиб келсин, бўлмаса, сиқилиб ўламан.

Бу гал қиролнинг ҳазилакам жаҳли чиқмабди.

— Бу хавфли иш, — дебди у. — Дев болани тирик қўйвориб бўпти. Сенинг инжиқлигинг туфайли мен шундай маслаҳатчимдан ажрайми?

Аммо малика маҳкам туриб олибди, кўрпа-ёстик қилиб ётиб, емай-ичмай қўйибди, ҳеч ким билан гаплашмабди, ҳеч кимни кўришни истамабди. Қирол чидаёлмабди-да, эртасигаёқ Айёр Бола олтин соқолни келтирсин, деган буйруқ берибди.

«Ажаб бўлди, — ўйлабди Айёр Бола. — Бошқача хизматни танлаган эканман. Бошқача хўжайинни хоҳлабман. Лекин истайсанми-ўйқми, боришинг керак».

Айёр Бола олтин этикли хачирга миниб бир зумда Девнинг уйи ёнида пайдо бўлибди. Дев эса уни роса кутиб ўтирган экан.

Айёр Бола шундай-шундай деб, бор гапни очик айтибди. Дев боланинг бошига тушган кулфатдан кулавериб думалаб қолибди. У шунақанги кулибдики, эски аламлари ҳам эсидан чиқиб кетибди.

— Мана, соқолим! Қирқиб ол! Яна ўсиб чиқаверади. Олтин соқоли Девни эслаб юрарсан.

Қаранг, демак, айрим одамлардан кўра яхшироқ Девлар ҳам бўлар экан-да!

Айёр Бола қирол саройига олтин соқолни олиб келибди ва маликанинг янги топшириқларини кутиб ўтирмай, шартта тезоб

## НҲХАТНИНГ БАҲОСИ

НЕМИС ЭРТАГИ

Бир ковоқхонада кўп одамлар ўтиришаркан. Ҳйин-кулги роса авжига чиққанда отларнинг дупури эшитилибди ва чиройли оқ тулпор минган нотаниш чавандоз кириб келибди. Бир оздан сўнг у секингина бўш столдан ўрин олибди. Қовоқхона хўжайини бой меҳмон ташриф буюрганидан жуда суюнибди ва ундан кўпроқ пул шилишга қирор қилибди, аммо нотаниш одам бир кружка пиво буюрибди, холос.

«Ҳали шошмай тур, ҳамёнингни қовлаштиришга мажбур қиламан»,— деб ўйлабди очкўз хўжайин. Нотаниш одамнинг ёнига ўтириб, узоқдан гап бошлаб, меҳмоннинг кимлиги, қаердан келётганини сўрабди, лекин нотаниш одам оғзини ҳам очмабди. Шунда қовоқхоначи меҳмонни гапга солиш учун ҳамма айёрлигини ишлатиб, унинг отини келиштириб мақтай кетибди.

— Ҳа,— дея жимликни бузибди чавандоз,— жуда гаройиб от! У отда кўп мамлакатларни кездим, бироқ энди ундан ажралишим керак, чунки энди кема сотиб олдим, Рейн бўйлаб саёхат қилмоқчиман. Отимни сиз сотиб олмайсизми?

Қовоқхоначининг кўзлари чақнаб кетибди-ю, сир бой бермай бепарво дебди:

— Отни нима қиламан? Отхонамда тўрттаси бор, лекин арзонроқ сўрасангиз, сизники бешинчиси бўлади.

— Баҳосини келишиб оламиз,— кулибди меҳмон.— Пул сўрамайман: нархини нўхат билан тўлайсиз.

— От учун нўхат! — қовоқхоначи суюниб кетибди.— Омбор тўла нўхат. Аммо сиз устимдан кулаётган бўлсангиз керак? — Катта фойда ҳидини сезган қовоқхоначининг бутун вужуди қулоқка айланибди.

— Сира ҳам ҳазиллашаётганим йўқ,— оҳиста жавоб берибди меҳмон.— Шундай келишамиз...

Шу пайт ғалати савдо-сотикқа қизиқиб қолган одамлар икковини ўраб олишибди. Меҳмон шартини айтибди:

— Отимнинг тўртта оёғи бор. Ҳар оёғида биттадан туёқ, ҳар туёғида биттадан тақа, ҳар тақада эса саккизтадан миҳ бор. Эслаб олинг: тўртта тақада саккизтадан миҳ, демак, ҳам-

маси ўттиз иккита мих. Сиз, қадрли хўжайин, менга фақат михлар учун тўлайсиз...

— Нўхат биланми? — унинг гапини бўлибди қовоқхоначи чидамай.

— Фақат нўхат билан ва фақат михлар учун, — унга жавобан бош силкибди меҳмон. — Отни эса қўшимча сифатида текинга оласиз!

Бунақанги арзон нархни эшитган одамларнинг оғзи ланг очилиб қолибди, эҳтиёткор қовоқхоначи эса сўрабди.

— Қанча нўхат беришим керак, ҳурматли жаноб?

— Арзимаган миқдорда. Менга қаранг. Биринчи мих учун фақат бир дона нўхат сўрайман.

— Битта! — қовоқхоначи қувониб, кўлларини ишқалабди.

— Иккинчи мих учун иккита нўхат.

— Иккита! — одамлар шивирлаб секин-секин кулишибди.

— Учинчи мих учун — тўртта, — бамайлихотир давом этибди меҳмон. — Тўртинчиси учун — саккизта, бешинчиси учун — ўн олтита... Шундай қилиб, навбатдаги ҳар бир мих учун олдингисидан икки баравар кўп.

Энди одамлар ўзларини кулгидан тиёлмабдилар ва баралла ҳахлолаб юборибдилар:

— Бу афанди шундай учқур отни бир сиқим нўхатга бермоқчи! Ақлдан озмаганмикин?

Қовоқхоначи ҳайратланганидан миқ этолмасмиш. Шунда бир киши унга қичқирибди:

— Нимага жим турибсиз, жаноб қовоқхоначи? Агар сиз иккилансангиз, отни мен оламан!

Қовоқхоначи шошиб қолибди:

— Бир сиқим оз-у, бир сиқим кўпи қаёққа борарди! — хитоб қилибди у. — Кўлни ташланг, савдонинг ихтиёрийлигига одамлар гувоҳ бўлсин. Менга қаранг, — меҳмонга бармоғини ўқталибди у, — кейин гапдан қайтиш йўк!

Кўпчиликнинг гувоҳлигида улар кўл ташлашибди. Одамлар ўз гувоҳлик сўзларидан қайтмасликларига қасам ичишибди, хурсанд бўлган қовоқхоначи уларнинг олдига бир бочка энг яхши пильзен пивосини қўйибди. Бочка бўшагач, қовоқхоначи меҳмоннинг ёнига келиб дебди:

— Хўш, бир афандилик қилдингиз, ҳурматли жаноб. Энди ажойиб оқ отингиз учун қанча нўхат беришим кераклигини ҳисоблайлик.

— Менга бир бўлак бўр беринг, — дебди қовоқхоначининг масхарасини сезмаган меҳмон бамайлихотир. У кружкасини четга суриб қўйиб, столга бўр билан ёза бошлабди: 1, 2, 4, 8, 16, 32, 64...

— Қаранглар, еттинчи мих учун 64 та нўхат! — дея кулишибди одамлар. — Бу ахир, ярим сиқим ҳам эмас-ку!

Аммо нотаниш меҳмон гапни эшитмагандай, ёзишда давом этибди: 128, 256, 512, 1 024, 2 048, 4 096, 8 192, 16 384, 32 768...

У эндигина ўн олтинчи миҳга етиб боргандаёқ қовоқхоначининг афти буриша бошлабди. Йигирманчи миҳда бўрдан баттар оқарибди, ўттиз иккинчи миҳга етганда эса бешта столни қаторлаштириб кўйишга тўғри келибди, чунки илон изи бўлиб кетган узундан-узок рақамлар ҳатто учта столга ҳам сиғмабди.

— Ҳ-ҳў! — хитоб қилишибди одамлар.— Агар бу лаънати отда тўртта эмас, олтига оёғи бўлганда дарвозани очиб кўчага ҳам рақам ёзишга тўғри келаркан!

Аммо бу ҳазил қовоқхоначини қулдиролмабди. У ҳайратидан беҳуш ўтираркан, нотаниш меҳмон эса ҳисоб-китобни тамомлаб, мулойим кулимсиб мурожаат қилибди:

— Кадрли дўстим, нўхат олиб кетишим учун бир-икки юзта қоп сотолмайсизми? Менимча, ўнта арава ўн марта қатнаса, пристанга ташиб оламан.

Қовоқхоначи ўрнидан сапчиб туриб кетибди.

— Бу ҳалол эмас! — бақирибди у бутун қовоқхонани бошига кўтариб.— Сиз мени аҳмоқ қилдингиз! Шартингизга рози эмасман!

— Энди кеч! — дебди нотаниш меҳмон пинагини бузмай, одамлар ҳам савдонинг ихтиёрий бўлганини тасдиқлашибди. Бу эса қонуний кучга эга экан.

Ҳўжайин стулга шалпайиб тушибди ва кўллари билан юзини беркитибди, нотаниш меҳмон ва бошқа одамлар эса кулиб юборибдилар.

Шундан кейин қовоқхоначи бирор нарсани арзонга сотиб олиш учун уринмасликка ва ҳеч қачон нўхатга от алишмасликка қасам ичибди.

## КАТИЦА ТЕРДСЕЛИ

### ВЕНГЕР ЭРТАГИ

Бор экан-да, йўқ экан, бир кампир яшаган экан, унинг Катица Тердсели исмли ақли қизи бўлган экан. У жуда қобилиятли бўлиб, унга ҳеч қандай иш писанд эмас экан.

Кунларнинг бирида Катица Тердселининг онаси бетоб бўлиб қолибди. У қизига шундай дебди:

— Эҳ, қизгинам, куним битганга ўхшайди! Лекин бир умр тўйиб овқат емадим. Ҳеч бўлмаса бир марта гоз гўштига тўйсам эди. Энг семиз гозлар қиролда, бирортасини берса, менинг сўнгги армоним ушалган бўларди.

— Уёққа бориб нима қиламан? — жавоб берибди Катица Тердсели.— Қирол очкўз, ёвуз — гоз берармиди!

— Сен уриниб кўр, қизгинам, бор,— дея қистабди онаси.— Балки сахийлик қилар.

Ноилож Катица Тердсели саройга жўнабди. Бориб қиролнинг ҳузурига кирмоқчилигини айтибди.

Уни қирол олдига олиб боришибди ва қиз нима учун келганини баён қилибди:

— Қирол жаноби олийлари, менга бир бўлаккина ғоз гўшти берсанг. Агар бермасанг, онам ўлиб қолади.

Бу гапни эшитган қирол сапчиб тахтидан туриб кетибди ва овози борича бақирибди:

— Ҳа сен ярамас қиз! Оғзимдаги ғоз гўштини тортиб олишга қандай журъат этдинг? Мен уни ўзим, ўзим ейман!

Аммо Катица Тердсели унинг дўк-пўписасидан кўрқмабди:

— Сизда минглаб ғоз бор-ку! Мен фақат биттасини, ўшанинг ҳам бир бўлагини сўраяпман! Тушунинг ахир, онам ўлади.

— Менга нима? — янада қаттикроқ бақирибди қирол.— Ўлса ўлар! Сен эса бу ердан йўқол...йўқол! Хайданглар уни...

Хизматкорлар Катица Тердселини саройдан кўчага қувлаб чиқаришибди.

Катица Тердсели ҳайрон бўлиб қолибди. Унга ким ҳам ёрдам берарди, дейсиз!

«Барибир,— дебди Катица ўзига-ўзи,— касал онам учун ғоз топмагунимча бўш келмайман!»

У янги режа тузибди. Саройни айланиб ўтиб, орқа томонидаги дарвозани кўриб қолибди ва ўша ерга туриб олибди.

Катица Тердсели худди бировни кутаётгандай атрофни кузата бошлабди.

Бир пайт у катта товоқда қовурилган ғоз гўшти кўтариб келаётган ошпазни кўриб қолибди. Қиз ошпазни тўхтатибди-да, уни қирол чақираётганини, тезда етиб бориши кераклигини айтибди. У қайтгунча товоқни ушлаб турадиган бўлибди.

Ошпаз қиролнинг ёнига борган экан, қирол уни чақирмаганини айтиб олдига солиб қувибди. Бироқ ошпаз буйрукни бир қиз етказганини, ҳозир у қовурилган ғоз гўшти тўла товоқни ушлаб ошхона ёнида қолганини айтибди. Қирол, нима гап экан, деб ошпаз билан бирга қизни кўрмоқчи бўлиб ташқарига чиқибди.

Аммо у ерда на қиз, на ғоз гўшти солинган товоқ бор экан.

Қирол билан ошпаз ошхонага қараб чопишибди. Ошхонада эса ҳамма нарса остин-устун бўлиб ётганмиш, фақат эшикка шу сўзлар ёзилганмиш:

*Бу ерда мен бўлдим, мен бўлдим,  
Мен — Тердсели Катица.  
Анча ғоз гўштини олдим,  
Ҳар ёқмаси қилмишим,  
Қилавер билган ишинг.*

Катица эса аллақачон ғоз гўштини онасига олиб борган экан. Кампир онаси гўштга роса тўйгач, қизига дебди:

— Ҳей қизгинам, мендан оғринма! Ажойиб ғоз гўшти экан. Еганимдан кейин кучимга куч қўшилгандай бўлди. Энди бирор ширин ичимлик бўлса эди. Қирол саройига бориб бир оз асал олиб келсанг-чи.

Қиз қиролнинг кўлига тушиб қолса таъзирини беришини айтиб тайсаллабди-ю, яна онасига раҳми келиб саройга жўнабди.

У омборга кириб қоровулга қирол уни анчалар бери чақирётганини, қайтиб келгунича ўрнида пойлоқчилик қилиб туришини айтибди.

Қоровул қирол ёнига борса, сени ким чақирди, галварс, деб олдига солиб қушлабди. Бироқ қоровул буйруқни бир қиз етказганини, ҳозир омборхонада ўтирганини таъкидлабди. Шунда қирол бу Катица Тердселининг иши эканлигини англабди.

Улар омборга келишиб энг катта асал бочкасидаги ёзувни кўришибди:

*Бу ерда мен бўлдим, мен бўлдим,  
Мен — Тердсели Катица.  
Озгина асал олдим,  
Гар ёқмаса қилмишим,  
Қилавер билган ишинг.*

Катица эса ўзига керакли асални олиб, онасига элтиб берибди.

Кампир асални ялаб, ўзини яна ҳам бардамроқ сезибди ва қизига дебди:

— Ана, қизгинам, яна салдан кейин бутунлай тузаламан. Сен саройга бориб қиролнинг олмасидан келтиргин! Битта олма қирол учун нима бўпти! Мен учун эса нажот. Унинг олмаларини ажойиб, ширали, шифобахш дейишади.

Қиз аввалига қирол тутиб олса ҳоли ёмон бўлишини айтиб кўнмабди. Аммо кейин онасининг гапига кириб яна йўлга тушибди.

Катица боққа келиб, боғбонга уни қачондан бери қирол қидиртириб юрганини, тезда бориши кераклиги, унгача ўзи қоровуллик қилиб туришини айтибди.

Боғбон қирол ёнига борган экан, қирол чақиритиш хаёлига ҳам келмаганини айтибди.

Аммо шўрлик боғбон уни бир қиз юборганини, ҳозир у боғда қоровуллик қилиб тургани айтибди. Шунда қирол боғбон билан бирга боққа йўл олибди.

Шунда нима бўлибди денг? Боққа кирган захоти тагига тўкилиб, ер билан битта бўлиб ётган қил-қизил олмадарни кўришибди, эшикка эса шундай сўзлар ёзилган экан:

*Бу ерда мен бўлдим, мен бўлдим,  
Мен — Тердсели Катица.  
Бир дона олма олдим,  
Гар ёқмаса қилмишим,  
Қилавер билган ишинг.*

Роса жаҳли чиққанидан қиролнинг юраги ёмон бўлиб қолибди. Табибларни чақиритибди, лекин фойдаси бўлмабди — даволай олмабдилар.

Буни эшитган Катица эркакча кийиниб саройга келибди ва қиролни даволамоқчилигини айтибди.

Катица Тердсели қиролнинг қўлини ушлаб, тилини кўриб, кўкрагига уриб-уриб, жигари шишганини, бунинг сабаби у жуда кўп қаҳрлангани ва очкўзлик қилгани эканлигини айтибди. Кейин бутун баданига туз ва қалампир сепиб, хўкиз терисига ўраб, тикиб қўйишни маслаҳат берибди.

Сарой аъёнлари шундай қилишибди.

Аммо туз билан қалампир қиролнинг баданини шунақанги ачитибдики, қирол хонадан ўкдай отилиб чиқиб кетибди.

Худди шу пайтда қиролга бир хат келтириб беришибди:

*Бу ерда мен бўлдим, мен бўлдим,  
Мен — Тердсели Катица.  
Боплаб ўчимни олдим,  
Гар ёқмаса қилмишим,  
Қилавер билган ишинг.*

Қирол шунақанги ғазаб отига минибдики, аскарларига Катигани тутиб, миноралардан бирига қамаб қўйишни, уни ўз қўли билан ўлдиришини айтиб буйруқ берибди.

Аскарлар Катигани тутишибди, шунда у қирол одамларидан бўйи баравар, ўзига ўхшаб кийинган похол кўғирчоғини ҳам бирга олиб кетишга рухсат беришларини сўрабди. Катица кўғирчоқни олиб ичига асал қуйибди ва қирол буюрган минорага чиқибди.

Катица Тердсели қамоққа тушгач, кўғирчоғини каравотга ётқизиб, ўзи каравот остига яширинибди.

Кечқурун эшик очилиб қирол секин писиб кириб, қиличини кўғирчоқнинг кўксига тикиб олибди. Кўғирчоқ ичидаги асал тўппа-тўғри унинг оғзига сачрабди ва қирол дебди:

— Ҳа, ёвуз, қонинг бунча ширин экан-а! Бутун айёрлигинг шундан бўлса керак!

Қирол қиличини артиб, мағрур ва кўнгли тўлган ҳолда кўшикка қайтибди.

Катица Тердсели эса каравот остидан чиқиб кўғирчоғи кўксига битта хатни ёпиштирибди-да, кочиб қолибди.

Эрталаб минорага кирган хизматкорлар қилич санчилган похол кўғирчоқ ва унинг кўксидаги хатни кўрибдилар. Улар дарров қирол ҳузурига чопишибди. Отилиб минорага кирган қирол хатни олиб ўқибди:

*Бу ерда мен бўлдим, мен бўлдим,  
Мен — Тердсели Катица.  
Ўлмадим, тирик қолдим,  
Гар ёқмаса қилмишим,  
Қилавер билган ишинг.*

Хатни ўқиб қиз тагин боплаб кетганини тушунган қирол алаmidан ўлиб қолибди.

Катица Тердсели эса хали ҳам онаси билан бахтли яшаётган эмиш.

## ДОНИШМАНД ҲАКАМ

### ҲИНД ЭРТАГИ

Динак деган бир бола бўлган экан. У ҳар куни ўрмондан ўтин келтириб сотиб, кун кечирар экан. Бир куни у тушгача ўтин кесиб, кейин пастга — водийга бирпас дам олгани тушибди. Шунда у тугунчасидаги овқати ва бир неча кун ичида ишлаб топган арзимас пули йўқолганлигини сезиб қолибди.

Бечора Динак тугунчасини кўйиб кетган йўл четидаги тош устида ўтириб аччиқ-аччиқ йиғлабди. Йўлдан ўтган йўловчилар ундан нега йиғлаётганлигини сўрашибди. У эса нони ва пулини ўғирлатиб кўйганлигини айтибди. Динак жуда ҳам камбағал экан-да, илдинг учун ҳамманинг унга раҳми келибди. Ҳар ўткинчи унинг айбдорлигига таскин берадиган гап айтар экану, аммо шундан нарига утмас экан, яъни амалда бирор бир ёрдам бермас экан.

Ана шу йўлдан бир ҳакам ўз соқчилари билан ўтиб бораётган экан. У ҳам Динакнинг олдида тўхтаб, ундан нега йиғлаётганлигини сўрабди. Динакнинг жавобини эшитиб:

— Мен айбдорни топганим бўлсин! — деб хитоб қилибди.

Сўнг атрофни кўздан кечирибди. Яқин орада ҳеч ким кўринмабди. Шунда у соқчиларидан бирига:

— Ҳаммасига мана шу тош айбдор. Буни кўтариб, шаҳарга элтгин. Эртага уни маҳкамага олиб келасан,— дебди.

Соқчи тошни кўтариб олибди. Ҳакам эса Динакка келаси куни маҳкамага боришни тайинлабди.

Бу гайритабиий воқеадан бутун шаҳар аҳли огоҳ бўлибди. Шунинг учун ҳам қозининг маҳкамасига жуда кўпчилик келибди. Ҳамма жой-жойларига ўтириб олганларидан кейин ҳакам:

— Мана бу тош ўғирлик қилгани учун уч йил қамок жазосига ҳукм қилинади,— дебди.

Ўтирганлар бу гапни эшитиб, қах-қах уриб кулишибди. Аммо ҳакам қовоғини солиб, ўтирганларга шундай дебди:

— Кимки бунга кулган бўлса, мажлисга нисбатан ҳурматсизлик қилди. Бунинг учун ҳар бирингиз бир рупиядан жарима тўлайсиз. Ҳар бирингиз ўнг қўлдаги эшикдан чиқиб, у ерда турган сув тўла идишга танга ташлайсиз.

Одамлар нима ҳам дейишарди, жаримани тўлашдан бошқа илож йўқ. Улар навбат билан ўнг қўлдаги хонага чиқиб, сув тўла идишга танга ташлашибди.

Охирида бир одам қолибди. У кўнирдек қорайиб, кўрқувдан дир-дир титраганча, сув ичига тангани зўрга ташлабди. Танга сув ичига тушиши билан юзасига ёғ қалкиб чиқибди. Шунда ҳакам ўша нотаниш кишининг олдида бориб:

— Ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Қани, бўйнингга ол, боланинг пулини сен ўғирлагансан! — дебди.

Ҳалиги кимсанинг аъзойи бадани қалтираб, ўғрилигини бўйнига олибди. Динакка шу захотиёқ пулини қайтариб берибди.

Гап шундаки, тугунчадаги пулларга овқат ёғи теккан бўлиб, ўғри тангаларни сувга ташлаганда, ўша ёғ дарҳол юзага қалқиб чиққан экан. Ҳакам эса буни дарҳол пайқаб, ўғри кимлигини топган экан.

## МАМАНУА ВА ВУЛАНСЕНДОВ

### ИНДОНЕЗ ЭРТАГИ

Кавенг деган тоғлар орасидаги водийда Мамануа исмли бир йигитча яшар экан. У бир йили баҳорда ер ҳайдаб, маккажўхори экибди ва пишганда у ўзига тенгқур йигит-қизларни уйига меҳмондорчиликка чақирибди.

Меҳмонлар жуда кўпчилик бўлиб келишибди, вақтичоғли хам жойида бўлибди. Фақат бир нарса дилни хира қилибди: яъни бир-бирларига сув сепиб ўйнашга оқар сув топилмабди. Меҳмонлар буни Мамануага бичиқ айтди. Уй эгаси эса бундан хафа бўлиб, Мунту-Унту худосига бирор булок ҳадя этишини сўраб, ибодат қилибди.

Кечаси Мамануа туш кўрибди. Мунту-Унту худоси унга: «Агар сенга булок керак бўлса, даланинг фалон еридаги харсангтошни қазиб ол, ана шунда ниятингга эришасан», — дебди.

Мамануа худди шундай қилибди. Харсангтошни учинчи кун деганда қазиб олибди. Тошнинг тагидан шовуллаб сув отила бошлабди. Сув борган сари кўпайиб бораверибди. Сув шу даражага етибдики, харсангтош ўрнида каттакон бир кўл ҳосил бўлибди. Ҳозирги Тендано деб аталадиган кўл ана шундай пайдо бўлган экан.

Мамануанинг даласи жуда серҳосил, серунум бўлибди, нега деганда сув сероб экан-да! Кечаю кундуз кўл бўйида ҳар хил қушларнинг нағмаси эшитилиб турар, сув тагида балиқлар иланг-жиланг ўйноқлаб сузишар экан. Мамануа кўл атрофига шакарқамиш ва ҳар хил мевали дарахтлар экибди. Аммо Мамануа даладаги нарсаларни ҳар куни кимлардир ўғирлаб кетаётганлигини пайқаб қолибди. Чунки кўл бўйида ҳар куни шимиб ташланган шакарқамиш поялари, арчиб ташланган мева пўстлоқлари сочилиб ётар экан.

Мамануа ўғрини ушлаб, унинг жазосини беришга аҳд қилибди.

...Кўл бўйига тўққиз нафар оққуш келиб кўнибди. Улар бир силкиниб, шу захотиёқ тўққизта сарвқомат, соҳибжамол қизларга айланибдилар. Буни кўрган Мамануа хангу манг бўлиб қолибди. Қизлар эса далага бориб, мевалардан узиб еб, шакарқамишларнинг поясини синдириб шимишиб, маза қилишибди.

Кейин кўл сувига тушиб, қий-чув қилиб сув сепар ўйнашибди. Улар бамайлихотир сувда чўмилиб олишгач, қирғоққа чиқибдилар-да, тагин оккушларга айланиб, осмону фалакка учиб кетишибди. Мамануа бўлса оғзини очиб қолаверибди. Оккушлар ҳар куни келиб кўлда чўмилишиб, унинг даласидаги мева-чеваларни еб, маза қилиб кетаверсалар ҳам Мамануа бунга қаршилиқ қилолмас экан. Ниҳоят, у қушлардан бирортасини ушлаб олишга аҳд қилибди.

Бир куни эрталаб қизлар одатдагидек чўмилишаётган пайтда, Мамануа билдирмай бориб оккушлардан бирининг патларини ўғирлаб қўйибди. Қизлар қирғоққа чиқиб, қанотларини кийиб, яна осмонга кўтарилибдилар. Фақат бир қизгина қанотларини тополмай қирғоқда қолиб кетибди. У излай-излай қанотларини тополмагач, ўтириб аччиқ-аччиқ йиғлай бошлабди. Мамануа унинг олдига борибди. Қиз йигитни кўриб қолиб, кўрқиб кетганидан ундан баттар йиғлай бошлабди ва уни афв этишини сўрабди.

— Отинг нима?— деб сўрабди Мамануа.

— Лингкамбене,— деб жавоб қилибди қиз.— Мен осмон салтанати олий худоси Мунту-Унтунинг кизи бўламан.

Мамануа эса хурсанд бўлиб, ундан ўзига хотин бўлишини сўрабди.

— Майли, нима ҳам дер эдим! Ахир менинг пат либосим йўқолган. Илтимосингни рад қила олармидим,— дебди қиз.— Аммо бир гапни ёдингда тут. Мабодо менинг сочимни тарасанг, бирор толаси ҳам ерга тушмасин. Бўлмаса, иккаламиз учун ҳам бахтсизлик рўй беради.

— Бўпти, бу илтимосинг ёдимда туради,— дебди Мамануа.

Ана шундан сўнг улар тинч-тотув ва бахтиёр ҳаёт кечира бошлабдилар. Орадан йил ўтиб, улар бир ўғил кўришибди. Боланинг исмини Вуласендов деб қўйишибди. У жудаям чиройли ва кучли экан. Ота-онаси шундай қувонишибдики, асти қўяверинг.

Мамануа бир куни севгилисининг сочларини тараётиб, бир тола сочини беҳосдан ерга тушириб юборибди. Ана шунда Лингкамбененинг бошидан шариллаб қон кета бошлабди. У кўзёши тўкиб:

— О, қандай бахтсизмиз! Мен энди қонни тўхтатиб, даволаниш учун осмон салтанатига кетишим зарур,— дебди.

Сўнг эрига ўғлини берибди.

— Вуласендовни эҳтиёт қил!— дебди у хайрлашув чоғида.— Агар насиб этса, биз яна дийдор кўришамиз!

Улар бир-бирлари билан зўрға ажралишибди. Лингкамбене қанотларини кийиб, яна осмонга парвоз қилибди. Мамануа эса нима қиларини билмай қолибди. У бўлган воқеани одамларга айтиб, севгилисининг орқасидан излаб бориш йўлларини ўйлабди.

У юра-юра, ниҳоят катта бир бургутга дуч келибди. Унга ўз дардини айтиб берибди.

— Ўғлинг билан иккаланг оёқларимдан каттик ушлаб олса-

ларинг мен сизларни осмонга олиб чиқиб кўяман,— дебди бургут.

— Жуда яхши! — дебди Мамануа қувониб.

Бургут Мамануа билан ўғлини олиб осмонга кўтарилибди, аммо улар оғир бўлганликлари учун яна қайтиб ерга кўнишга тўғри келибди. Мамануа эса яна хафа бўлиб, осмонга чиқиш учун чора излаб, йўлида давом этибди. Унга катта лиана дарахти учрабди.

— Менинг энг тепа шохимдан ушласанг, осмонга чиқариб кўяман,— дебди лиана дарахти.

Мамануа ўғли билан унинг айтганини қилибди. Дарахт уларни осмонга чиқара бошлабди. Аммо ярим йўлда кучли довул туриб, дарахтни эгиб, денгизга улоқтирибди. Мамануа ўғли билан сувда шапир-шупур қилишиб ётганда, катта балиқ ёрдамга келибди.

— Сизларга нима бўлди ўзи? — деб сўрабди катта балиқ.

Мамануа эса хотини осмонга кетиб қолганини, у ўғли билан унинг орқасидан бормоқчи бўлганлиги-ю, бироқ бунинг ҳеч иложини қилолмаётганлигини айтиб берибди.

— Менинг устимга мининглар! Мен сизларни қуёш чиқадиган ерга, осмон зинапоясига элтаман,— дебди катта балиқ.— У ерда сизларни бир кучук Мунту-Унту саройига элтиб кўяди.

Мамануа ва унинг ўғли катта балиқ устига миниб, қуёш чиқадиган томонга сузиб кетишибди. Катта балиқ бир неча кун сузибди, тўфонлар ва довулларга, кучли ва баҳайбат тўлқинларга дош бериб, ниҳоят қуёш чиқадиган ерга — осмон зинапояси олдига олиб борибди. Кейин у дўсти кучукдан ота-болани Мунту-Унту салтанатига олиб бориб кўйишни илтимос қилибди.

Орадан кўп ўтмай, учаласи шаҳар дарвозаси олдига етиб боришибди. Мамануа дарвозабонларга қараб:

— Эй дарвозабонлар! Мен Мунту-Унту худоси олдида бўлишим керак. Унинг бир қизи менга теккан эди. Мана бу бизнинг ўғлимиз,— дебди. Сўнгра бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб берибди. Улар Мунту-Унту худосига Мамануанинг етиб келганлигини хабар қилишибди.

— Яхши,— дебди осмон худоси,— бўлмаса у саройимга келиб, тўққизта кизим орасидан ўз хотинини таниб олсин.

Мамануа бу буйруққа сўзсиз итоат этибди. У хотинининг кийимларини олиб, ўзларини келтирган кучукка ҳидлатибди. Кучук Мамануанинг хотинини, яъни Лингкамбенени бирпасда топиб берибди. Мамануа уни кўриб қувониб кетибди. Агар кучук бўлмаганда, Мамануа тўққизта бир-бирига қуйиб қуйгандек ўхшаш қизларнинг орасидан қандай қилиб хотинини ажрата олган бўларди, ахир? Мамануа Вулансендовни хотинининг тиззасига қўйиб:

— Ўғлимизни эмизсанг, у сени жуда соғиниб қолган! Мени эса гуноҳим учун кечир! — дебди.

Лингкамбененинг ҳам қувончи чексиз экан. У ўғлини авай-

лабгина кўлига олиб, эмиза бошлабди. Мамануа Лингкамбене билан осмон салтанатида қолиб яшай бошлабди.

Кўп ўтмай, Вулансендов ўсиб-улгайибди. Ҳар қалай, унинг отаси ерлик эмасми, шунинг учун ҳам йигит ерга тушишни орзу қилиб қолибди. У ерга тушишидан аввал момоси — Мунту-Унту худоси унинг кўлига бир тугунча бериб, то ерга тушмагунингча уни очмагин, деб тайинлабди.

Вулансендовни арқон билан ерга туширибдилар. У ерга етар-етмас кўлидаги тугунча тушиб кетибди. Ичидаги тухум синиб, унинг ичидан чиройли бир қиз чиқибди.

— Отинг нима? — деб сўрабди Вулансендов.

— Матинемпунг, — деб жавоб қилибди қиз.

— Момом нима учун сени бу ерга юборди?

— Мен ерда сенинг дўстинг бўлишим учун.

Вулансендов қувониб кетибди.

Матинемпунг турли хил уруғлар солинган қути ҳам кўтариб олган экан. Унда гуруч, маккажўхори, лиму ва бошқа турли хил мевали дарахтларнинг уруғлари бор экан.

Вулансендов ва Матинемпунг иккаласи ер ҳайдаб, осмондан келтирилган уруғларни экишибди. Матинемпунг уруғлардан қишлоқдаги одамларга ҳам улашиб чиқибди. Шунинг учун ҳам одамлар иккаласини жуда севиб қолишибди.

Улар яшайдиган ерларини Тумен-Тенден деб аташибди. Бутун Минахасдаги мевали дарахтлар ана шу ердан тарқалган, дейишади.

## ДОНИШМАНД ҚИЗ

### ХИТОЙ ЭРТАГИ

Чосицзя тоғлари орасида бир чолу кампир яшаган экан. Уларнинг икки ўғлию бир қизи бор экан. Болалар вояга етгач, қизлари турмушга чиқиб, бошқа жойга кўчиб кетибди. Ўғиллари эса уйланиб ота-оналари билан бирга қолишибди. Аввалига улар жуда иноқ, тотув яшашибди.

Аммо бир кун бахтсизлик рўй берибди: номаълум касалликдан аввал кампир, кейин иккала ўғли вафот этибди. Чол икки келини билан қолибди. У энди қариб қолган, далада ишлай деса кучи йўқ, хўжалик ишлари ҳам икки келинга қолиб кетибди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверибди. Келинлар ҳам кундан-кунга қайнотасига дағал муомала қиладиган, уни оғир ишларга: ўтин кесишга, сув ташиб келишга, бўрон турган пайтларда ҳам кўй боқишга юборадиган бўлишибди. Бунинг устига унга тузук-роқ овқат ҳам беришмас экан. Берадиганлари бир бўлак қаттиқ қора нону қуйилиб қолган кўтос қони экан. Чол эса оғир ишлардан эзилиб, кун сайин эмас, соат сайин ҳолсизланиб, бир

оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлиб қолибди. Ниҳоят, у бирор егулик нарса юборишини сўраб, қизига хабар бермоқчи бўлибди.

У карвону сурувлар ўтадиган катта йўлга чиқиб, бирор йўловчи ўтишини кута бошлабди. Қуёш нурлари қиздирганда уни мудроқ босибди. Худди шу маҳал йўлдан кўтослар карвони ўта бошлабди.

— Хей, хей! — деб кичқирибди карвонбоши, — йўл бўйида нима қиляпсан, қария? Ахир, кўтослар босиб кетиши мумкин-ку! Қўрқмайсанми?

Чол уйғониб кетиб, карвонбошидан қизига салом етказишини ўтиниб сўрабди. «Унга онанг ва акаларинг ўлган, отанг келинлар қўлида чўпонлик қиляпти, егани бир бўлак қаттиқ қора нону кўтоснинг қуйилган қони. Бўза билан айроннинг мазасини аллақачонлар унутиб юборган, деб айтсаларинг», — дебди.

Карвон чолнинг қизи яшайдиган кишлокқа етиб борибди. Қизи чолнинг аҳволидан хабардор бўлгач, аччиқ-аччиқ кўзёши тўкибди.

— Шўрлик отагинам! Қариган чоғида бошига бундай мусибат тушишини сира-сира хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак! Бунинг устига, мункиллаб қолган чоғида қаттиқ нон еб, совук-изғирин кунларда мол бокса! Шуюм кунми?..

Қиз карвоннинг қачон қайтишини билиб олгач, карвонбошига лойдан ясалган ғишт бериб, отасига етказишларини сўрабди. Ғишт ичига у билинтирмасдан қимматбаҳо тош — фирузани жойлаб қўйган экан.

— Отамга айтинглар, — дебди у карвонбошига, — мабодо у яхши яшамоқчи бўлса, шу ғиштни яхшилаб қарасин, аммо буни сақласин, ҳеч кимга сотмасин!

Шўрлик чол бўлса йўл бўйида сурув ҳайдаб, қизидан бирор хабар кутиб юраркан. Ниҳоят, карвон ҳам қайтиб келибди, карвонбоши унга қизи айтган гапни етказиб, ғиштни берибди. Чол улардан роса миннатдор бўлибди. Ғиштни олиб иккига бўлибди, бундоқ қараса, унинг ичидан қимматбаҳо каттакон фируза тош чиқибди. Чолни ғам босибди: «Қизим нега бу тошни сотмасликка буюрибди экан-а?» Чол уйига қайтиб, келинларига кўзи тушиши билан, бирдан кўнгли ёришиб кетибди. «Тош нимага кераклигини энди тушундим, қизим! Баракалла!» дебди у ўзича.

Чол эртаси кунни кичик келин уйда йўқ пайтни пойлаб туриб, катта келинига қимматбаҳо фируза тошни кўрсатиб:

— Мана бу фируза тошни кеча қизим юборибди. У жуда қиммат туради. Аммо мен уни сотмайман, ўлар пайтим сенга васият қилиб қолдираман, — дебди.

Бу гапни эшитган катта келини роса қувониб, «чол узокқа бормайди, демак мен кўп ўтмай бойиб кетаман», деб ўйлабди.

У шу кундан бошлаб чолга муомаласини ўзгартирибди. Қайночасини ҳақорат қилмайдиган, нону тузини вақтида берадиган, мол боқишга юбормайдиган бўлибди.

Туш пайти катта келини қайгадир кетиши билан чол фируза тошни кичик келинига кўрсатибди:

— Буни менга қизим юборибди. Жуда қимматбаҳо тош. Аммо

уни сотмоқчи эмасман. Улганимдан сўнг, сенга ёдгорлик бўлсин дейман.— дебди у.

Кичик келини ҳам жуда хурсанд бўлиб кетибди. «Чолнинг шарти кетиб, парти қолган, узоққа бормади. Аммо ҳозирча чолнинг фикри ўзгариб қолмасдан, унга тузукрок овқат бериб, ул-булига қарай»,— деб ўйлабди у.

Шундай қилиб, кичик келини ҳам чолга ғамхўр, меҳрибон бўлиб қолибди. Иккала аёл ҳам иложи борича чолнинг кўнглини овлашга тиришибди, чунки иккаласи ҳам чол ўлиб қолса, тош албатта менга мерос қолади, деб ўйлашаркан.

Шундай қилиб, орадан бир йил вақт ўтибди. Тўсатдан чолнинг аҳволи оғирлашиб қолибди. Ўлими яқинлигини сезган чол, қимматбаҳо фируза тошни олиб, яна гишт ичига бекитибди-да, уни ўчоқ тепасидаги уй устунининг этак томонига яшириб қўйибди. Ўчоқ олдида сув тўла катта тоғора турар экан. Чол сувга кўзи тушиб, ўзича кулимсираб қўйибди. Шундан сўнг, у келинларига қизини чақиртиришларини сўраб, шундай дебди:

— Уни охириги марта бир кўрсам, кейин бу дунёдан тинчгина кўз юмган бўлардим. Агар, мабодо у мени тирик кўролмаса, мана бу гапимни албатта унга етказинглар:

*— Сув устида аждаҳо кўприк каби чўзилган,  
Унинг думи сув юзида акс этиб турибди.  
Уни кўриб мўлжал ол, дум тагида фируза!*

Чол қизини кўролмасдан жон берибди. Келинлар эса бирданига қимматбаҳо тошни излашга тушиб кетибдилар. Ҳаммаёқни остин-устин қилиб излашса ҳам, бироқ қимматбаҳо фируза тошни тополмабдилар. Бундан улар роса ғазабланишибди. Аммо начора, қайнсингиллари келишини кутишга мажбур бўлишибди.

Қиз уйига етиб келгач, отасининг оламдан ўтганини эшитиб, аччиқ-аччиқ йиғлабди. Отасининг маъракаларини ўтказиб бўлгач, келинларидан сўрабди:

— Отам менга ҳеч гап тайинлаб қолдирмадимми?

-- Бир гап айтган эди, аммо биз унга тушунмадик,— дейишибди келинлар:

*Сув устида аждаҳо кўприк каби чўзилган.  
Унинг думи сув юзида акс этиб турибди.  
Уни кўриб мўлжал ол, дум тагида фируза!*

Чолнинг қизи жуда зийрак экан, гап нимадалигини дарров фахмлабди. Сув тўла тоғорага келиб энгашган экан, том тепасига қўйилган устунга кўзи тушибди. Устуннинг энг охири тутундан қорайиб кетган эмиш. У ўша ерни кавлаган экан, у ердан битта гишт чиқибди.

Ана шундай қилиб, қимматбаҳо фируза тош яна эгасига қайтибди.